



101



# ХАДИС



**Анвар Аҳмад**

**101  
ҲАДИС**

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2018

УЎК 297  
КБК 86.38  
А 98

*Таржимон ва изоҳлар муаллифи:*

**Анвар Аҳмад**

**Аҳмад, Анвар**


101 ҳадис / А.Аҳмад. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 96 б.

*Ушбу китоб Ш. Аҳмаров томонидан тасниф этилган бўлиб, Бошқордистоннинг Уфа шаҳридаги "Сабоҳ" кутубхонасига қарашли нашриётда чоп этилган.*

*Ҳадис илмларини ўрганиб, юксак маънавий фазилатларни халқимизга етказиш, ҳамда бугунги жамият ва илмфан тараққиётидаги аҳамиятини ёритиб бериш жуда муҳимдир.*

*Ушбу 101 набавий ҳадис ахлоқ одоб, касб ҳунар, тижорат ва дўстона муносабатларга оид ҳадислар бўлиб, қисқа ва лўнда, ёд олишга осонлиги билан бошқа китоблардан ажралиб туради.*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йилдаги 2021-сонли ҳулосаси асосида нашрга тайёрланди.*



УЎК 297  
КБК 86.38

ISBN 978-9943-5299-1-5

© Анвар Аҳмад  
© Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018



## МУҚАДДИМА

Оламлар Рабби Аллоҳга ҳамд бўлсин!

Саййидимиз ва Набиййимиз Муҳаммадга, у зотнинг набий ва расуллардан бўлмиш жамики биродарларига ҳамда саҳобаларга салавоту саломлар бўлсин!

Имом ва мужтаҳидлардан бўлган тобеинларнинг ҳаммаларига Аллоҳ таолонинг розилиги бўлсин!

«Ҳадис» араб тилида «гап-сўз» маъносини англатади. Демак, ҳадис деганда, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг айтган гап-сўзлари кўзда тутилади ва тушунилади.

Ҳадис илми билан шуғулланувчи олимни муҳаддис деймиз. Муҳаддислар, асосан, ҳадисни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қайси йўллар билан, кимлар орқали ривоят қилиниб, ўзларигача етиб келганини аниқлайдиган олимлардир. Улар бу улкан масъулиятли ишни амалга оширишда жуда ҳам аниқ ва ишончли йўлларни танлашган.

«Суннат» сўзи эса, араб тилида «тариқат – маънавий йўл» маъносини англатади. Фалончининг суннати дегани унинг ҳаётий йўли, деганидир. Шундан ке-

либ чиқиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари деганда, у зотнинг тариқатлари, йўлларини тушунамиз.

Маълумки, Ислом динимиз инсониятни доимо яхшилик ва меҳр-оқибат туйғуларини шакллантиришга чорлайди. Юксак инсоний қадриятларни ажодлардан авлодларга етказишда динимизнинг аҳамияти беқиёсдир. Ислом дини таълимотининг асоси Қуръони каримдан сўнг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларидир.

Ҳадис илмларини ўрганиб, юксак маънавий фазилатларни халқимизга етказиш, ҳамда бугунги жамият ва илм-фан тараққиётидаги аҳамиятини ёритиб бериш жуда муҳимдир.

Ушбу 101 набавий ҳадис ахлоқ-одоб, касб-хунар, тижорат ва дўстона муносабатларга оид ҳадислар бўлиб, қисқа ва лўнда, ёд олишга осонлиги билан бошқа китоблардан ажралиб туради.

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ... مَنْ حَفِظَ عَلَيَّ أُمَّتِي  
أَرْبَعِينَ حَدِيثًا مِنْ سُنَّتِي أَدْخَلْتُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِي شَفَاعَتِي. (ابن  
نجار عن أبي سعيد الخدري)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар...

«Умматимдан қайси киши суннатимдан бўлган қирқта ҳадисни ёд олса, қиёмат кунида уни шафоатим остига киритаман».

**Изоҳ:** Ҳадислар ҳам ҳозиргача ёд олиб келин-моқда. Умуман, Исломи шариатининг ҳамма аслари ёд олиниб, шу орқали қабул қилинган. Ҳатто баъзи ёзишни биладиган кишилар ҳам ёд олиш учунгина айрим нарсаларни ёзиб олганлар. Аллоҳ таоло ўзининг охиригидини, ёд олишга суянган қавм ва ана шунга одатланган Пайғамбарни ихтиёр қилгани ҳам бежиз эмас. Муҳаддисларнинг мана шу ишлари инсоний илмларга асос бўлди. Чунки улар бу билан ҳадис ривоятига мансуб ўн минглаб одамларнинг таржимаи ҳолларини, омонатли, ишончли, адолатли, забт-ли, тақволи, зеҳн ҳолатлари қандоқ бўлганини ёки аксинча, ёлғончи, ғофил, унитувчи, фосиқ эканини ўрганиб чиқиш орқали шу илмни йўлга қўйдилар. Унинг қонун-қоидаларини ишлаб чиқдилар. Бу ҳақда жилд-жилд китоблар ёздилар.

Тарих китоблари ва илмий ривоятларда муҳаддисларнинг ёд олиш қобилиятлари ҳақида нодир маълумотлар жуда ҳам кўп учрайди. Имом Бухорийнинг мирзалари Муҳаммад ибн Абу Ҳотим Ҳошим ибн Исмоил ва унинг шеригидан қўйидагиларни эшитдим, деб айтади: «Бухорий болалик чоғида биз билан дарсга қатнашар эди. Бир неча кунлар ўтиб кетса ҳам ҳеч нарса ёзмас эди. Биз унга бу ҳақда гапирган эдик, у: «Икковингиз менга жуда кўп гапирдингиз. Ёзган нарсаларингизни кўрсатинг-чи», деди. Биз ёзган нарсаларимизни олиб келувдик, ўн беш мингдан ортиқ ҳадис чиқди. Ўша ҳадисларнинг ҳаммасини у бизга ёддан ўқиб берди. Ҳаттоки, баъзи хатоларимизни унинг ёдлаб олган нарсасига эътибор

қилиб тузатдик. Шунда у: «Сизлар мени беҳудага келиб, кунларини зое қилмоқда, деб ўйловдингизми?» деди. Ана ўшанда биз унинг олдига биров туша олмаслигини билган эдик».

Яна Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқа ривоятда:

**«Умматимдан ким қирқ ҳадисни одамларга таълим бериш учун ёдласа, мен қиёмат куни унга шафоатчи ва гувоҳ бўламан»,** деб айтганлар.

Яна Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна бир ривоятда:

**«Умматимдан қай бири қирқ ҳадисни ёд олса, қиёмат куни Аллоҳ ҳузурига фақиҳ-олим бўлиб боради»,** деб айтганлар.

## БИРИНЧИ БОБ

### ИЛМНИНГ ФАЗИЛАТИГА ОИД ҲАДИСЛАР

۱ - طَلَبُ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ. (رواه الطبراني عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ)

1. «Илм изламоқ ҳар бир мусулмонга фарз-дир».

**Изоҳ:** Исломда билмаган нарсасини билишга ҳаракат қилиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга буюк вазифадир. Кимда-ким шу вазифани адо этмаса, қиёматда қаттиқ жазога йўлиқади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «**Кимга Аллоҳ яхшиликни ирода қилса, уни динда фақиҳ** (теран англовчи) қилиб қўяди ва унга тўғри йўлни кўрсатади».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна марҳамат қиладилар: «**Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир**». Маълумки, пайғамбарлик рутбасидан устунроқ ҳеч бир рутба йўқ ва бу рутбага меросхўр бўлиш олий шарафдир.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: «**Олимга ердаги ва осмондаги барча нарсалар истиғфор айтади**». Ердаги жонзотлар ва осмонлардаги малоикалар истиғфор айтиб ту-



рувчи кишиларнинг мансабидан зиёда мансаб борми?!

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна марҳамат қиладилар: «**Ҳикмат шарафли кишининг шарафини зиёда этади ва қулни подшоҳлар даражасигача кўтаради**». Бу ҳадисда илмнинг дунёдаги самараси баён қилиняпти. Аммо охиратдаги меваси ундан-да хайрли ҳамда абадийдир.

۲ – **أَطْلُبُوا الْعِلْمَ وَلَوْ بِالصِّينِ، فَإِنَّ طَلَبَ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ.** (أَخْرَجَهُ ابْنُ عَدِي وَالْبَيْهَقِيُّ فِي الْمُدْخَلِ وَالشَّعْبِ مِنْ حَدِيثِ أَنَسٍ، وَقَالَ الْبَيْهَقِيُّ: مَتَنُهُ مَشْهُورٌ وَأَسَانِيدُهُ ضَعِيفَةٌ).

**2. «Илмни Хитойда бўлса ҳам бориб олинглар, чунки илм излаш ҳар бир мусулмонга фарздир».**

**Изоҳ:** Йўлнинг узоқлигига ва ботил динда бўлишига қарамай, илмни қаерда топсангиз, ўша ердан олинг, дейилмоқчи. Лекин диний илм фақат солиҳ зотлар ва олимлардан олинади.

۳ – **أَطْلُبُوا الْعِلْمَ مِنَ الْمَهْدِ إِلَى اللَّحْدِ.** (فهذا الحديث لا يصح سندا، وهو من الأحاديث المشتهرة على ألسنة الناس، ومثله حديث: اطلبوا العلم ولو في الصين. ونحوها، وقد أوردها العجلوني في كتابه كشف الخفاء ومزيل الإلباس عما اشتهر من الأحاديث على ألسنة الناس. إلا أن معناه صحيح. وقد روى

الترمذي وحسنه من حديث أبي سعيد الخدري رضي الله عنه  
قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: لن يشبع مؤمن من  
خير حتى يكون منتهاه الجنة.)

**3. «Илмни бешиқдан то қабрга қадар изланг-лар!».**

**Изоҳ:** Мен қаридим, менинг вақтим ўтди, деб ҳеч бир вақт айтиб бўлмайти. Инсон энг охири нафаси қолгунча билимсизликни кетказишга ҳаракат қилиши зарур.

**«Илмни бешиқдан то қабрга қадар изланг-лар»,** деб айтилган бу сўз ҳикмат бўлиб, имом Термизийдан ривоят қилинган, уни тўлдирувчи қуйидаги ҳадис бор.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: **«Мўмин кишининг охири борадиган жойи жаннат бўлмағунча ҳаргиз яхшилиққа тўймайти»,** деб айтганлар.

٤ - طَلَبُ الْعِلْمِ سَاعَةٌ خَيْرٌ مِنْ قِيَامٍ لَيْلَةٍ وَطَلَبُ الْعِلْمِ يَوْمًا خَيْرٌ مِنْ صِيَامٍ ثَلَاثَةِ أَشْهُرٍ. (أبو نعيم عن ابن عباس، أخرجه أيضاً الديلمي)

**4. «Илм талабидаги бир соат (бутун) тунни бедор ўтказгандан яхшироқдир. Илм йўлидаги бир кун уч ой рўза тутмоқдан хайрлироқдир».**

**Изоҳ:** Илм ва олимларнинг фазилатлари, икки дунёда эришадиган даража ва мартабаларига доир ҳадислар ҳам жуда кўп учрайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан олим кишининг бир кунлик ибодати илмсиз обиднинг қирқ йиллик ибодатига тенг экани, қиёматда шафоат қилиши, агар у таълим ҳам берса, Ер ва осмонлардаги барча жонзот Аллоҳдан унга мағфират сўраши ва бошқа кўплаб башоратлар саҳиҳ ҳадислар орқали ривоят қилинган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида бири обид ва бири олим бўлган икки киши зикр этилди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Олим кишининг обидга нисбатан фазли менинг ораларингиздаги энг қуйи табақа вакилига нисбатан фазлим кабидир”**, деб марҳамат этдилар. Сўнг у зот алайҳиссалом: **“Дарҳақиқат, Аллоҳ, Унинг малоикалари, осмон ва ер аҳллари, ҳатто инидаги чумоли ва денгиздаги балиқлар ҳам одамларга яхшилик ўргатувчи олимларни дуо қилади”**, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

ه - طَلَبُ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ، وَإِنَّ طَالِبَ الْعِلْمِ يَسْتَغْفِرُ لَهُ كُلُّ شَيْءٍ حَتَّى الْحَيْتَانُ فِي الْبَحْرِ. (رواه ابن عبد البر عن أنس)

5. «Илм излаш ҳар мусулмонга фарздир. Илм изловчи киши учун ҳар бир нарса, ҳатто

денгиздаги балиқ ҳам мағфират сўрайди, яъни гуноҳи кечирилишини ўтинади”.

**Изоҳ:** Биз илмни қадрлаган ва унга тарғиб қилиб, аввалги ваҳйиси “ўқи” деб Калом юборилган Пайғамбарнинг уммати ҳисобланамиз. Илм олиш ва уни ёйишлик ҳақида жуда ҳам кўп оят ва ҳадислар келган.

٦ - «فَضْلُ الْعِلْمِ أَفْضَلُ مِنَ الْعِبَادَةِ، وَمَلَائِكُ الدِّينِ الْوَرَعُ».

(رواه الطبراني في الكبير وفيه سوار بن مصعب، ضعيف جدًا)

6. «Илмнинг фазли (нафл) ибодатдан афзалдир. Диннинг асоси парҳезкорликдир».

٧ - «فَضْلُ الْعِلْمِ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ فَضْلِ الْعِبَادَةِ، وَخَيْرُ دِينِكُمْ

الْوَرَعُ». (رواه الطبراني في الأوسط، والبزار وفيه عبد الله بن عبد

القدوس، وثقه البخاري وابن حبان، وضعفه ابن معين وجماعة)

7. «Илмнинг фазилати мен учун (нафл) ибодатнинг фазилатидан суюклироқдир. Динингизнинг яхшиси парҳезкорлик, яъни ҳаром бўлган нарсалардан сақланмоқдир».

٨ - «اغْدُ عَالِمًا، أَوْ مُتَعَلِّمًا، أَوْ مُسْتَمِعًا، أَوْ مُحِبًّا، وَلَا تَكُنْ

الْخَامِسَ فَتَهْلِكَ» (رواه الطبراني في الثلاثة، والبزار، ورجاله

موثقون)

8. «Олим бўл ёки илм ўрганувчи бўл ёки эшитувчи бўл ёки (шуларни) севувчи бўл. Аммо бешинчиси бўлма, унда ҳалокатга учрайсан».

۹ - جَالِسُوا الْكِبْرَاءَ، وَسَائِلُوا الْعُلَمَاءَ، وَخَالِطُوا الْحُكَمَاءَ.  
(رواه الطبراني في الكبير)

9. «Улуғлар билан ўтиринглар, уламолардан сўранглар ва ҳаким-донишмандлар ила аралашиб юринглар».

**Изоҳ:** Ёши кексайиб қолганлар билан бирга ҳам-суҳбат бўлиб ўтиринглар, саволингиз бўлса, диний уламолардан сўраб туринглар ҳамда ҳаким ва донишмандларга аралашиб туринглар.

Луқмони ҳаким ўғлига бундай насиҳат қилган экан: “Эй ўғлим, олимлар билан ўтир, улар орасига кир, чунки Аллоҳ ерни осмон суви билан тирилтиргани каби қалбларни ҳам илм-ҳикмат нури билан тирилтиради”.

۱۰ - «خِيَارُكُمْ مَنْ تَعَلَّمَ الْقُرْآنَ وَعَلَّمَهُ» (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ)

10. «Сизларнинг яхшиларингиз Куръонни ўрганганларингиз ва ўргатганларингиздир», дедилар».

**Изоҳ:** Бу ҳадиси шарифнинг иборалари оз бўлгани билан маънолари, далолатлари кўпдир. Унда

мусулмонларнинг яхшиси ҳақида хабар берилмоқда.

Ўзи мусулмонлар Аллоҳ таолонинг бандалари ичида энг яхшиларидир.

Бу ҳадиси шарифнинг маъносидан келиб чиқадиган бўлсак, Қуръони каримни ўрганадиган мусулмонлар яхшиларнинг яхшисидир.

Яна унинг маъносидан хулоса қиладиган бўлсак, Қуръони каримни ўргатадиган мусулмонлар яхшиларнинг яхшисининг устози бўлади. Устоз эса ўз шогирдидан қанчалар устун туриши ҳаммага маълум.

Ҳа, Аллоҳ таолонинг каломи Қуръони каримни ўргатиш ва ўрганиш ана шундай улуғ иш бўлиб, ўз соҳибини ана шу қадар олий мақомга эриштиради.

Уламоларимиз Қуръони каримни ўқитган ва ўқиган зотларни Аллоҳ таолонинг ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг халифалари, яъни ўринбосарлари деб атаганлар.

Шунинг учун мўмин банда Аллоҳ таолонинг ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг халифаси бўламан деса, Қуръони каримни ўргансин ёки ўргатсин.

Мусулмон халқлар тарихига назар солсак, ушбу ҳадиси шарифга оғишмай амал қилиб келинганининг гувоҳи бўламиз. Мусулмонлар ҳар қандай қийин шароитда ҳам, ҳаётларини хавф-хатарга қўйиб бўлса ҳам Қуръони каримни ўрганганлар ва ўргатганлар.

Иншоаллоҳ, қиёматгача шундай бўлгай.

۱۱ - الْكَلِمَةُ الْحِكْمَةُ ضَالَّةُ الْمُؤْمِنِ، فَحَيْثُ وَجَدَهَا فَهُوَ أَحَقُّ بِهَا. (رواه الترمذي وابن ماجه عن أبي هريرة)

11. “Ҳикмат мўминнинг йўқотган нарсаси, уни қаерда топса, олишга ҳақлидир».

**Изоҳ:** “Ҳикмат”нинг маъноси, ҳар бир нарсани ўз жойига қўйиш, баён қилишдир. Шундай экан, кўнгилга ҳикмат соладиган ҳар бир иш, амал ёки вазият мўмин учун манфаатли бўлиши мумкин.

Ҳикмат – илм ва ақл билан ҳаққа эришишдир.

Ҳикмат – барча фойдали илмлар, тўғри йўлга йўналтирилган ақллардир.

Ҳикмат – сўзлар ва амалларда мулоҳаза билан иш юритишдир.

Ҳикмат – ҳақни таниш ва у асосида амал қилишдир.

Ҳикмат – илмнинг нафосати, амалнинг қуроли, мақсадга етишда энг яқин воситадир.

Ҳикмат – у билан қийинчиликлар осонлашади, у билан тўсиқлар олиб ташланади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда ҳикмат соҳибини мадҳ этди:

**“У Ўзи истаган кишиларга ҳикмат (фойдали билим) беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, демак, унга кўп яхшилик берилгани аниқдир”** (Бақара сураси, 269-оят).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: **“Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам**

мени бағирларига босиб, “Эй Аллоҳ, унга илм ва ҳикматни ўргат”, дедилар.

Қуръони каримда “ҳикмат” сўзи турли маъноларда ишлатилди.

Мавъиза маъносида келди:

(У) етук ҳикмат (мавъиза) бўлса-да, огоҳлан-тиришлар фойда бермади (Қамар сураси, 5-оят).

Пайғамбар ҳадислари маъносида зикр қилинди:

“Уйлариңгизда Аллоҳнинг оятлари ва ҳикмат (яъни, пайғамбар ҳадислари)дан иборат тиловат қилинадиган нарсаларни зикр-тиловат қилин-лар” (Аҳзоб сураси, 34-оят).

Дунёдаги энг яхши ҳикматларни ўрганай, улардан ўрناق олай, уларга амал қилай, деган одам бўлса, Қуръони каримни яхшилаб ўргансин.

۱۲ – مَن اغْبَرَتْ قَدَمَاهُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ حَرَّمَهُ اللَّهُ عَلَى النَّارِ.

(رواه البخاري والترمذي والنسائي والبيهقي وابن حبان)

12. “Ким Аллоҳ йўлида икки оёғини чанг қилса, Аллоҳ таоло уни жаҳаннамга ҳаром қилади”.

۱۳ – الْعُلَمَاءُ أَمْنَاءُ اللَّهِ عَلَى خَلْقِهِ. (رواه القُضَاعِي وَابْنُ

عَسَاكِرٍ عَنِ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ)

13. «Уламолар халқи устидаги Аллоҳнинг ишончли бандаларидир».



**Изоҳ:** Халқлар олимларнинг сўзларига қулоқ солиб, улар кўрсатган йўл билан юришлари зарур.

Улуғ Раббимиз ўзидан кўрқишни эслатганида ҳам яна аҳли илмни зикр қилади. Фотир сурасининг 28-оятда:

**“Бандалари орасида Аллоҳдан уламоларгина кўрқарлар”**, деб марҳамат этади. Бу оятда Аллоҳ таоло ўзидан кўрқишликнинг энг юқори даражасига илм орқали эришилишига ишорат қилмоқда.

Бироқ қандай хислатларга эга олимларни Аллоҳ таоло пайғамбарларига меросхўр ва қиёмат кунида шафоат бериш ҳуқуқига эга қилди, бу олий мартабага қандай эришилади?

Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадиси шарифларида:

**“Ким Аллоҳнинг розилиги талаб қилинадиган илмни фақат дунёнинг ўтқинчи матоҳига эришиш учун ўрганса, қиёмат куни жаннатнинг ҳидини ҳам топа олмайди”**, деганлар. Пайғамбаримиздан бунга ўхшаш яна кўплаб ҳадислар ривоят қилинган.

Машҳур ҳадисларнинг бирида қиёмат кунида энг аввал ҳисоб-китоб қилинадиган кишилар тоифасига ноқобил олимлар ҳам киришини, уларнинг жаҳаннамга ташланишини эшитганмиз. Аллоҳ таоло олимга: “Сен қандай амаллар қилдинг”, деганида, “Мен Сенинг розилигинг учун илм олдим ва уни бердим”, дейди. Шунда инсонларнинг қалбдаги ҳолатидан хабардор зот – Аллоҳ: “Сен “мени олим десинлар ва устоз десинлар”, деб илм олдинг, бу насибангни

олдинг”, “уни дўзахга ташланглар”, деб амр қилади. Аллоҳ ўзи барча мўминларни бундан муҳофаза қилсин! Олимнинг гаплари оят ва ҳадисларга асосланган бўлса, унга амал қилган кўплаб кишилар саодат аҳлидан саналиб, Аллоҳнинг розилигини топадиган йўлга мушарраф бўладилар. Акси эса, ўзингизга маълум. Барча амалларда ниятнинг тўғрилиги зарурдир. Шунинг учун ҳадис китобларининг барчасида муҳаддислар аввалги бобни “ният” дан бошлаганлар. “Ният”ни тўғрилаш ҳақидаги ҳадислар ўрганилгандан кейин ақида ҳақидаги ҳадислар келади. Бу мавзудаги ҳадислар илм йўлига кирган кишининг аввал ботинини тўғрилайди. Ниятни тўғрилаш қалбнинг ҳолати бўлганлиги учун уни Аллоҳдан ўзга ҳеч ким кўра олмайди. Аллоҳ таолонинг назари илоҳийси тушадиган қалб покланиб, ният фақат Аллоҳ таолонинг розилиги ва мусулмонларга манфаат етказиш бўлса, икки дунё саодатмандлигига эришиш мумкин.

Ҳасан розияллоҳу анҳу айтадилар: “Агар уламолар бўлмаганида, одамлар ҳайвонларга ўхшаб кетар эди. Чунки уламолар таълим бериш билан инсонларни ҳайвонлик ҳаддидан чиқариб, инсонлик ҳаддига киргизадилар”.

Яҳё ибн Маоз розияллоҳу анҳу дедилар: “Уламолар Муҳаммад алайҳиссалом умматига ота-оналаридан кўра меҳрибонроқдир. Чунки ота-оналари, уларни дунё оловидан сақлайдилар, уламолар эса уларни охират оловидан асраб қоладилар”.

Илм кўзи ожизлар учун қалбнинг ҳаёти, зулматда кўзнинг нуридир. Заифлик ва банданинг кувватидир.

У билан банда аброр (яхши)лар манзилига ва олий даражаларга эришади. Илм билан фикр қилмоқ рўзага баробардир. Илм дарси эса кечалари қилинган ибодатга тенг. Илм воситасида тақво қилинади, унинг билан қариндошлик ришталари мустаҳкамланади, у туфайли ҳалол ва ҳаромлар фарқланади. У имомдир, амал эса унга тобе. Бахтли инсонлар унга эришадилар, бадбахтлар эса ундан маҳрум бўладилар.

۱۴ - قَيِّدُوا الْعِلْمَ بِالْكِتَابِ. (رواه الخطيبُ وابن العساكر وأبو

نعيم)

#### 14. «Илмни ёзиш ила қайд қилинглр».

**Изоҳ:** Ёзиш илмни янада аниқроқ исбот қилиб қўйишни англатади. Яъни, ҳар бир эшитилган яхши сўз хотирада турмай унутиладиган бўлгани сабабли ёзиб қўйинглр! Кейин шунга қараб билиб оласизлар. Шунинг учун ҳар кимни, хусусан, ўқувчиларни ўзи билан бирга ён дафтари ва қалам олиб юришга одатлантириш керак.

Демак, илмни сақлаш учун ёзиб, қайд қилиб қўйиш яхши экан. Бу ишни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам тасдиқлаб, амр қилганлар.

Шу ҳадисга биноан мусулмонлар илмни илмий баҳс ва китоб шаклида ёзиб боришни одат қилганлар. Бир замонлар дунёнинг ҳеч бир жойида ўқиш-ёзиш бўлмаганида, мусулмон юртларда ҳамма ёзишни билган. Қўлёзма шаклида сон-саноксиз китоблар тарқалган. Баъзи бир мусулмонлар ўн минглаб

китобларга эга бўлганлар. Кутубхоналардан кенг фойдаланиш мусулмон диёрларида яхши расм бўлган. Ҳозирги кунимизда дунёнинг энг тараққий этган давлатлари музейларида, қўлёзма хазиналарида энг қадимий ва энг қимматли қўлёзмалар мусулмонларнинг қўлёзмалари эканининг ўзи фикримизнинг ёрқин далилидир.

Яна шуни айтиш лозимки, бу ёлғиз фикр эмас. Замондош мусулмон олимлар бу масалани жуда яхши ўрганганлар, ҳужжат ва далиллар билан илмий равишда исбот этганлар. Бу ҳақиқатни ғарблик олимлар ҳам тан оладилар. Минг афсуслар бўлсинки, кейинчалик мусулмонлар бу муҳим нарсага эътиборсиз қарай бошлаганлар. Ҳатто илм марказларида ҳам ўқиш, оғзаки гап билан кифояланиб, ёзишга унча эътибор бермай қўйганлар. Ёзиш, хат деганда, ҳуснихат тушунилган-у, илмни қайд қилиш маъноси тушунилмаган. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда Бухоро, Самарқанд ва бошқа машҳур илмий марказларда йигирма йиллаб ўқиган кишилар турли китобларни ўқиб, маъносини айтсалар ҳам, ёзишни хуш кўрмаганлар. Бу нарса, айниқса, исломий маърифат, билим маъносида катта салбий таъсир қолдирди. Шу боис турли мусулмон халқларнинг тилларида исломий китоблар йўқ даражада. Кейинчалик ёзмоқчи бўлганларнинг эса, диндан, Исломдан, иймондан етарли маълумоти у ёқда турсин, саводлари ҳам йўқ.

Оқибатда оддий мусулмонлар бу соҳада қайд этилган, ёзиб сақлаб қўйилган нарсаларни ўз тилларида ўқиш имконига эга бўлмай қолдилар.

۱۵ - آفةُ العِلْمِ التَّسْيَانُ، وَإِضَاعَتُهُ أَنْ تُحَدِّثَ بِهِ غَيْرَ أَهْلِهِ.  
(رواه الدارمي مرسلًا)

15. «Илмнинг офати унутиш ва лойиқ бўлмаган кишига илмни сўзлаб зое қилишдир».

**Изоҳ:** Ўрганилган илмни унутмаслик ва лойиқ бўлмаган одамларга сўзлашдан сақланиш зарур.

۱۶ - سَلُوا اللَّهَ عِلْمًا نَافِعًا، وَتَعَوَّذُوا بِاللَّهِ مِنْ عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ.  
(رواه ابن ماجه، والبيهقي عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ)

16. «Аллоҳ таолодан (дунё ва охиратда) фойда берадиган илмни сўраб, фойда бермайдиган илмдан Аллоҳ номи билан паноҳ тиланглар».

**Изоҳ:** Фойдали илмнинг бир аломати, банданинг ичида хавф ва тақво кўпайишидир.

Илм зиёда бўлгани сари, кўрқув ҳам зиёда бўлиб бораверади.

Аллоҳдан кўрқиш ҳиссининг пайдо бўлиши фойдали илмнинг белгисидир.

Агар илм кўпаяверса, лекин Аллоҳдан кўрқиш ҳисси ортмаса, бу илм фойдали эмас, деганидир. Чунки фойдали илм қанча кўпайса, Аллоҳдан кўрқиш ҳам шунча ошиб бораверади. Аллоҳдан кўрқиш қанча кучайса, гуноҳдан ҳам ўшанча сақланилади. Шунинг учун Имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳ:

«Кўп гапира оладиган киши буюк олим эмас. Балки, гуноҳнинг зарарлари унга аниқ бўлган ва гу-

ноҳлардан сақланишга ҳаракат қилган киши буюк олимдир», деб айтганлар.

۱۷ - اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ، وَمِنْ قَلْبٍ لَا يَخْشَعُ، وَمِنْ نَفْسٍ لَا تَشْبَعُ، وَمِنْ دُعَاءٍ لَا يُسْمَعُ. (رواه النسائي)

17. «Аллоҳим! Фойда бермайдиган илмдан, қўрқмайдиган қалбдан, тўймайдиган нафсдан ва қабул этилмайдиган дуодан Сенинг номинг билан паноҳ тилайман».

**Изоҳ:** Бу доим ўқиб юрилиши лозим бўлган набавий дуолардандир. Мўмин банда доим илми нофеъ – фойдали илм сўраб дуо қилиши лозим. Гуноҳлар сабабли инсон фойдали илмдан маҳрум бўлади. Билган нарсалари қуруқ маълумот бўлиб қолади. Шайтоннинг шундай хийласи бўлади, толиби илм: “Албатта, мен олдин ўқиб олайин, кейин амал ҳам қиламан”, дейди. Қалб ҳозирда ўқиб амал қилишнинг уддасидан чиқа олмаяптими, ўқиганидан кейин анча муддат ўтиб кетганда қаердан ҳам амал қила оларди? Бу шайтонинг ҳийласидир. Демак, гуноҳлар зулмати инсонни фойдали илмдан маҳрум қилади.

۱۸ - مَثَلُ الَّذِي يَتَعَلَّمُ الْعِلْمَ ثُمَّ لَا يُحَدِّثُ بِهِ، كَمَثَلِ الَّذِي يَكْنِزُ الْكَنْزَ فَلَا يُنْفِقُ مِنْهُ. (رواه الطبراني عن أبي هريرة)

**18. «Илмни ўрганиб, бошқаларга ўргатмаган киши худди кўп мол-дунё тўплаб, ундан (ҳеч нарса) сарфламаган киши кабидир».**

**Изоҳ:** Молни тўплаб, сарфламастик қанчалик хунук бўлса, илм олиб, уни ўргатмаслик ҳам шундай ёқимсиз ишдир. Бошқа тузумларда илм ўз эгасининг мулки ҳисобланади. Олим одам нимани хоҳласа, шуни қилади. Хоҳласа, бировга ўргатади, хоҳламаса, ўргатмайди. Ислонда эса, илм олимнинг эмас, балки ўша олим яшаётган жамиятнинг мулки саналади. Олим эса, уни ўзида омонат сақлаб турган ишончли одамдир.

۱۹ – مَثَلُ الْعَالِمِ الَّذِي يُعَلِّمُ النَّاسَ الْخَيْرَ وَيُنْسَى نَفْسَهُ كَمَثَلِ السِّرَاجِ يُضِيءُ لِلنَّاسِ وَيُحْرِقُ نَفْسَهُ. (الطبراني وابن عساكر عن جندب بن عبد الله)

**19. «Одамларга яхшилиқни ўргатиб (ваъз-насиҳат қилса-да), ўзини унутиб қўйса, унинг мисоли худди ўзини ёндириб, одамларга нур сочган чироқнинг мисоли кабидир».**

**Изоҳ:** Илмга амал эргашсагина у фойдали илм бўлади. Илмга амал қилиш шартлиги ҳамда амалсиз илмдан огоҳлантириш ҳақида Куръонда, ҳадисда ва салаф имомларнинг сўзларида кўп далиллар бор.

Аллоҳ таоло айтади: «Эй мўминлар, сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани (қиламиз деб) айтурсизлар? Сизларнинг ўзларингиз қил-

майдиган ишни (қиламиз деб) айтишларингиз Аллоҳ наздида ўта манфур ишдир» (Соф сураси, 2-3-оятлар).

«Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларингизни унутасизларми? Ҳолбуки, ўзларингиз китоб (Таврот) тиловат қиласизлар. Ақлингизни юргизмай-сизларми?» (Бақара сураси, 44-оят).

Шубҳасиз, тақво қилиш ва шариатда барқарор туриш, Қуръон ва ҳадисни маҳкам ушлаш талабанинг қуролидир. Агар у Аллоҳ таолонинг розилигини, илмнинг нури, баракаси ва фазилатини қўлга киритмоқчи бўлса, бу қуролни асло тарк қилмаслиги керак.

Аллоҳ таоло айтади: «Аллоҳдан кўрқингиз! Аллоҳ сизларга (ҳақ – ҳидоят йўлини) билдиради. Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир» (Бақара сураси, 282-оят).

Дарвоқе, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олим қиёмат куни илмига амал қилган ёки қилмагани ҳақида сўралишини айтганлар.

Абу Барза ал-Асламийдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қиёмат куни банда умрини нима билан ўтказгани, илмига амал қилгани, молини қаердан топиб, қаерга сарфлагани ва жасадини нима ишларда қаритгани ҳақида сўралмагунича қадамлари жойидин силжймайди» (Имом Термизий ривояти).

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳу дедилар:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганларини эшитдим: «Қиёмат куни бир киши



олиб келиниб, дўзахга ташланади. Унинг қорнидаги ичаклари осилиб тушади. Худди эшак тегирмон тоши атрофида айланганидек у ҳам ичаклари атрофида айланиб юради. Дўзах аҳли унинг олдига йиғиладилар ва сўрайдилар: «Эй фалончи, сенга нима бўлди? Сен яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтармасмидинг?» У айтади: «Ҳа, яхшиликка буюрардим, бироқ ўзим қилмасдим. Ёмонликдан қайтарар эдим, лекин ўзим уни қилардим» *(Имом Муслим ривояти)*.

Ҳадисда зикр қилинган, баданни титратиб юборадиган бундай кўриниш Аллоҳ тарафидан берилган илмга амал қилмайдиган кишининг уқубатидир. У инсонларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш билан чекланди. Нафсини эса одамлар кўзидан узоқда, ғафлатда, маъсиятлар ортидан қувган ҳолида ташлаб қўйди. Лекин у ҳар қанча яширмасин, Аллоҳдан махфий иш қилолмайди. Аллоҳ дунёда унинг гуноҳларини яширгани учун одамлар уни солиҳ киши деб гумон қилганлар. Қиёматда эса унинг жирканч амаллари барчага ошкор қилиниб, шармандаи шармисор бўлади.

Шунинг учун саҳобаи киромлар тақво аҳлидан бўлсалар-да, Қуръон ва ҳадисга қаттиқ амал қилсалар-да, қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурида туриб, билган илмларига амал қилганлари тўғрисида сўралишдан қаттиқ қўрқар эдилар.

Имом Ғаззолий бир талабага насиҳат қилиб бундай дедилар: «Агар юз йил илм ўқиб, мингта китоб жамласанг ҳам, илмингга амал қилмас экансан,

Аллоҳнинг раҳматига мушарраф бўла олмайсан. Билгинки, илминг бугун сени маъсиятлардан қайтариб, тоатга ундамаётган экан, эртага сени жаҳаннам азобидан ҳам тўса олмайди. Агар бугун амал қилмасанг, ўтган кунларинг ўрнини тўлдирмасанг, эртага Қиёмат куни «Бизни дунё ҳаётига қайтаринг, яхши амаллар қиламиз», деб айтишинг тайин».

۲۰ - اللَّهُمَّ اغْنِنِي بِالْعِلْمِ وَزَيِّنِي بِالْحِلْمِ وَأَكْرِمْنِي بِالتَّقْوَى  
وَجَمِّلْنِي بِالْعَافِيَةِ. (رواه ابن أبي الدنيا)

**20. “Аллоҳим! Мени илм билан бойит, ҳилм билан зийнатла, тақво билан ҳурматли қил, офият билан гўзал қил!”.**

**Изоҳ:** Бу гўзал дуолардан бўлиб, унда илм сабабли беҳожат бўлиш, ҳалимлик ва ювошлик билан зийнатланиш, парҳез ва тақво билан ҳурматли бўлиш ҳамда тинчлик ва омонлик билан гўзал ҳаёт кечиршни Аллоҳдан сўраш ўргатилмоқда. Демак, ушбу дуони ҳар доим айтиб юришимиз лозим экан.

## ИККИНЧИ БОБ

### КАСБ ВА ТИЖОРАТГА ДОИР ҲАДИСЛАР

۲۱ – طَلَبُ الْحَلَالِ وَاجِبٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ. (رواه الطبراني عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ)

**21. «Ҳалол ризқ изламоқ ҳар бир мусулмонга шарт ва вожибдир».**

**Изоҳ:** Яъни, пешонамга нима ёзилган бўлса, ўзи келади, деб ҳаракат қилмай бекор ётиш Ислолда мақбул иш эмас. Ҳар бир одам ўзининг оиласини тўйдирадиган миқдорда касб қилиши шартдир.

Бошқа ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

**«Жоним қўлида бўлган Зот билан қасамки, албатта, сизлардан бирингиз арқонини олиб, ўтин териб, орқасига кўтариб келгани, бировнинг олдига бориб, берса-бермаса сўрашидан яхшидир»,** деганлар.

Инсоният тарихида ўз меҳнати билан ҳаёт кечиришга бу каби тарғиб бошқа бўлмаса керак. Бировдан бир нарса сўраб олиб турмуш кечириш ўрнига, арқонни олиб, далага чиқиб ўтин териб келиб сотиш яхши экан.

Баъзи бир кишилар ўтин териб сотиш, ҳаммоллик қилиш ёки шунга ўхшаган ишларни қилишни ор би-

ладилар. Аммо бировга ёлвориб, бир нарса сўраб ейишни ўзларига эп кўрадилар. Ёки айримлар бировнинг ҳақини турли ношаръий йўл ва услублар ила ҳаромдан олиб ейишлари билан кериладилар. Ҳолбуки, бировдан сўраб олиб кун кечириш ҳақиқий ор қилинадиган ишдир. Бировнинг ҳақини ҳаром йўл билан олиш эса, катта гуноҳдир. Аксинча, ҳалол йўл билан, пешона тери тўкиб ҳаёт кечириш энг тўғри, энг шарафли ишдир. Ризқ топиш учун қилинадиган ҳалол меҳнатнинг катта-кичиги, обрўли-обрўсизи бўлмайди. Энг ҳақиқий обрў меҳнат ила ҳалол ризқ топишдир. Бошқаларнинг топгани ҳисобига кун кўриш энг ёмон обрўсизликдир. Ислом таълимоти шу. Исломдан, унинг таълимотларидан узоқда бўлганда, бу меъёр ва ўлчовлар ҳам тескарисига ўзгаради. Аслида, тиланчилик ислом жамиятига ёт бўлиб, унда ҳар қандай ҳалол меҳнат рағбатлантирилади.

Чиндан ҳам, мусулмон киши бировдан сўраб турмуш ўтказгандан кўра, ўтин териб сотиб кун кўришни афзал билади. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳалол меҳнати билан ҳаёт кечиришга уринади.

۲۲ – أُحْرَثُوا فَإِنَّ الْحَرْثَ مُبَارَكٌ وَأَكْثَرُوا فِيهِ مِنَ الْجَمَاعِمِ.

(أبو داود في مَرَايِلِهِ عَن عَلِيِّ بْنِ الْحُسَيْنِ مُرْسَلًا)

22. «Дехқончилик қилинглр, чунки дехқончилик муборак (баракали иш)дир. (Экканларингизга зарар етмаслиги учун) унда кўриқчиларни кўпайтиринглр».

**Изоҳ:** Имом Муслим ривоят қилган бир ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

**«Қайси бир мусулмон бирор экин экса-ю, ундан ейилса, албатта, унинг учун садақа бўлади. Ўғирлангани ҳам унинг учун садақадир. Йиртқичлар егани ҳам, албатта, унинг учун садақа бўлади. Қушлар егани ҳам, албатта, унинг учун садақа. Ўша экиндан бирортаси манфаат олса, албатта, унинг учун садақадир»,** дедилар.

«Мусулмон киши бир экин экса-ю, ўшандан инсонми, қушми, жонворми еса, албатта, қиёмат кунигача унинг учун садақа бўлиб туради», дейилган.

Зироатчилик билан шуғулланиш ана шундай улуғ иш. Баъзи вақтда экинига ўғри тушган зироатчилар хафа ҳам бўлишади. Албатта, бу хафа бўлишга арзигулик ҳодиса. Тер тўкиб қилинган меҳнат самараси қандайдир нобакор томонидан олиб кетилиши ачинарли ҳолат. Лекин зироатчи ўша ўғирланган нарсаси ҳам беҳуда кетмаганини англаб етиши лозим. Бу иш унинг учун садақа сифатида номаи аъмолига ёзиб қўйилади.

Ҳа, деҳқонлардан ҳамма манфаат олади. Аллоҳ таоло уларни ҳамма жонзотнинг ризқига сабабчи қилиб қўйган. Шунинг учун ҳам Ислому уламолари нуқтаи назарида, касблар ичида деҳқончилик энг афзал касб ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам қиёмат қоим бўлиб, жаннатийлар жаннат эшиклари олдида тўпланиб ким биринчи киради, дейилганида деҳқон, дейилади.

۲۳ - أَطِيبُ الْكَسْبِ عَمَلُ الرَّجُلِ بِيَدِهِ وَكُلُّ بَيْعٍ مَبْرُورٍ.  
(أحمد، والطبراني، والحاكم، والبيهقي عن رافع بن خديج)

**23. «Касбларнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан қилган касбидир. Ҳамда хиёнатсиз ва ёлғонсиз бўлган савдодир».**

**Изоҳ:** Ушбу ҳадисда энг ҳалол ва энг ёқимли касб инсоннинг ўз меҳнати билан топган ризқи ҳамда мабрур савдо экани айтилди. Мабрур савдо деб ёлғон қасамдан, умуман, молни ўтказиш учун қилинадиган қасамхўрликдан, турли хил алдам-қалдам, ҳийлалардан холи бўлган холис савдога айтилади. Ушбу ҳадисда мабрур савдо ҳамда қўл меҳнати билан топиладиган ризқ касбларнинг афзали экани очик баён қилинмоқда. «Қўл меҳнати» деганда кўпроқ саноат, ҳунармандлик ва касаначилик каби ишлар тушунилади. «Умдатул қорий» китоби муаллифи аллома Бадриддин Айний айтишича, кўп ҳадисларда қўл меҳнати билан амалга ошириладиган касб касбларнинг афзали экани таъкидланади.

Юқоридагилардан шуни ҳулоса қилиш мумкинки, касбларнинг аслари тижорат, зироат ва саноатдир. Кўплаб касблар мана шу зикр қилинган уч хил умумий касб остига дохил бўлади. Мазкур касбларнинг қай бири афзал экани борасида уламолар ўртасида турлича фикр ва қарашлар бор. Баъзилар тижоратни афзал касб десалар, бошқалар зироатни афзал дейишади. Яна бир тоифа эса қўл меҳнати билан қилинадиган касб, яъни ҳунармандлик ва саноатни афзал

санайдилар. Баъзи ҳадисларда савдо билан қўл меҳнати касбларнинг энг яхшиси экани айтилади.

Зикр қилинган ушбу баҳслардан қайсидир бир касб яхши-ю, қолгани ёмон деган маъно тушунилмаслиги керак, асло. Мазкур ҳадислар ва уламолар сўзлари фақатгина фазилат жиҳатидан касбларнинг қайси бири устунроқ эканини баён қилади, холос. Йўқса, жумҳур уламолар наздида, ҳалол касбларнинг барчаси ҳам мубоҳлиқда тенгдир. Ким қайси касбнинг уддасидан чиқса, ана ўша билан шуғулланиши мақсадга мувофиқ саналади.

Кишининг ризқ топадиган касбу ҳунари, иши ва хизматининг тури қандайлигидан қатъи назар, ҳалол бўлиши, юритаётган касб-корида ҳалоллик ва инсофни ўзига шиор қилиб олиши муҳим саналади. Касблар кўп, аммо улар афзаллиги, баракаси мўллиги ва ҳалоллик даражасининг нисбати нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Шу жиҳатлардан касбларнинг афзали қайси, деган саволга уламолар турлича жавоб беришган. Имом Мовардий айтади: «Касбларнинг асл устунлари зироат, тижорат ва саноатдир». Мовардийга кўра, касб-корларнинг асос илдизлари уч нарсага бориб тақалади: зироат, тижорат ва саноат. Зироат деган асосга дехқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ва ҳоказолар киради. Савдо-сотик, бозоргонлик, тадбиркорлик ва ҳоказоларнинг асоси тижоратдир. Саноатга эса, ишлаб чиқаришнинг барча турлари киради. Шунингдек, нарса ясаб сотадиган ҳунармандлар, кулоллар ҳам саноатчилар тоифасига мансубдирлар. Масалан, чинни ва сопол идиш-

лар ясовчилар, темирдан панжара ва дарвоза ясайди-  
ганлар, чилангарлар, кийим тикиб ёки тўқиб сотади-  
ганлар – ҳаммаси саноатчилардир. Хуллас, ишлаб чи-  
қаришга тааллуқли ҳамма ишлар саноат туркумига  
киради.

Шундай қилиб, касбларнинг асоси уч нарсага бо-  
риб тақалар экан: зироат, тижорат ва саноат. Ушбу  
касб-ҳунарларнинг энг афзали ва покизароғи қайси  
бири, деган саволга ҳам ҳар хил жавоблар бериб ке-  
линган. Ҳанафий мазҳабига кўра, аввал тижорат, ке-  
йин зироат, ундан кейин эса саноат туради. Набий  
(алайҳиссалом) тижоратга қизиқтириб:

**«Ростгўй ва омонатдор тожирнинг даражаси**  
(қиёматда) **«киромун бараро»** (вахийни ёзувчи оли-  
жаноб, ҳурматланган, муқаррам қилинган, солиҳ  
фаришталар) **билан тенг бўлади»**, дея марҳамат қил-  
ганлар (*«Мажмаъул анҳур фий шарҳи мултақол абҳур»*).

Яна бир ҳадисларида: **«Албатта, Аллоҳ ростгўй**  
**тожирни яхши кўради»**, дейилган.

Ундан кейинги ўринда деҳқончилик ва зироат тура-  
ди. Аввал айтилганидек, бу иш билан биринчи бўлиб  
шуғулланган инсон Одам (алайҳиссалом) бўладилар.  
Пайғамбаримиз (алайҳиссалом):

**«Зироаткор (деҳқон) ўз Рабби билан тижорат**  
**қилувчи инсондир»**, деганлар. Чунки ерга уруғ қадаб,  
ҳосил олувчи киши фақат Аллоҳнинг қудрати ва бер-  
ган имкони билангина ҳосилга эга бўлади. Бу соф та-  
ваккулдан иборат бир иш. Айниқса, қадим замонларда  
шундай бўлган. Ҳосилга замин бўлувчи, уруғи ўзида  
тутиб, кўкартириб ўстирувчи ер ҳам Аллоҳники, уни



ёмғир билан суғорувчи ҳам Аллоҳ. Ер билан сувга шундай хусусиятларни берган Унинг Ўзи. Шу боисдан ҳам зироатчи Аллоҳ билан тижорат қилади, дейилади ҳадисда, валлоху аълам. Мазкур ҳадисни далил қилиб баъзи уламолар зироатни ҳам тижорат қаторига киритганлар. Зеро, ҳадисда зироат тижорат деб аталган. Ундан ташқари, худди тижоратчи каби зироатчи ҳам ўз иши орқали фойда қозонишни қасд қилади.

Яна бир муборак ҳадисда:

**«Ризқни ер остидан излангиз»**, деб буюрилган.

Кейинги ўринда саноат туради. Саноат бу – ишлаб чиқаришнинг барча турини қамраб олиши ва уста-ҳунармандлар ҳам, тикувчию тўқувчилар ҳам, касаначиларнинг иши ҳам «саноат» бобига кириши айтилди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саноат ва ҳунармандликка тарғиб қилиб:

**«Ҳунар қашшоқликдан нажотдир»**, дея марҳамат қилганлар.

Уламолар орасида афзалият ва баракаси мўллиги жиҳатидан зироатни тижоратдан олдинга қўядиганлари ҳам бор. Зеро, зироатнинг фойдаси умумий бўлиб, нафи ғоят кўпчиликка етади. Чунончи, бир ҳадиси шарифда бундай дейилади:

**«Мусулмон киши экин экса ёки дарахт ўтқазса-ю, ундан бирор инсон, жонивор ёки қуш еса ҳам, ўша одамга (эккан одамга) савоб ёзилади»** (Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти).

٢٤ - أَفْضَلُ الْكَسْبِ بَيْعُ مَبْرُورٍ، وَعَمَلُ الرَّجُلِ بِيَدِهِ. (أَخْرَجَهُ

الإمام أحمد والطبراني في الكبير عن أبي برة بن نيار الأنصاري  
رضي الله عنه

**24. «Касбларнинг энг афзали, хиёнатсиз ва ёлғонсиз бўлган савдо ҳамда кишининг ўз қўл кучи билан ишлаб топган ризқидир».**

**Изоҳ:** Маълумки, киши касб қилиш орқали, аввало ўзининг моддий эҳтиёжларини қондиради. Қолаверса, оила аҳлининг нафақаси, қарамоғидаги кишиларнинг таъминотини амалга оширади. Аллоҳ таоло мўминларни ҳалол касб билан шуғулланишга, ҳаромдан ҳазар қилишга буюрган. Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қуйидаги ҳадис ворид бўлган:

**“Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, банда қорнига битта ҳаром луқмани ташлаши билан қирқ кунлик амали қабул бўлмайди. Қайси банданинг эти ҳаром ва рибо орқасидан ўсган бўлса, у дўзахга лойиқдир” (Имом Табароний ривояти).**

У зот айтадилар: “Албатта, Аллоҳ таоло покдир ва У пок нарсанигина қабул қилади. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло пайғамбарларга буюрган нарсани мўминларга ҳам буюрган. У айтганки: “Эй, пайғамбарлар! Пок (таом)лардан тановул қилингиз ва эзгу (иш) қилингиз!” (Муъминун сураси, 51-оят).

Яна айтдики: “Эй, иймон келтирганлар! Сизларга Биз ризқ қилиб берган покиза нарсалардан енглар!” (Бақара сураси, 172-оят).

Инсон учун энг гўзал ҳалол касб ўз меҳнати эвазига ризқ топишдир.

Миқдам розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **“Ҳеч ким ўз қўл меҳнати билан топгандан яхшироқ таом еган эмас, дарҳақиқат, Аллоҳнинг пайғамбари Довуд алайҳиссалом ҳам ўз қўл меҳнати билан кун кўрган”** (Имом Бухорий ривояти).

Бошқа бир ҳадисда Пайғамбар соллalloҳу алайҳи ва саллам: **“Ҳалол касб қилиш фарздан кейинги фарздир”**, дедилар (Имом Байҳақий *“Шуъабул имон”* китобида ривоят қилган).

٢٥ - تِسْعَةُ أَعْشَارِ الرَّزْقِ فِي التِّجَارَةِ وَالْعَشْرُ فِي الْمَوَاشِي.  
(السيوطي في الجامع الصغير عن نعيم بن عبد الرحمن الأزدي معضلاً)

25. «Ризқнинг ўн улушдан тўққиз улуши савдода, бир улуши чорвачиликдадир».

**Изоҳ:** Бу ҳадисда савдо ва тижоратнинг баракаси кўп эканига ишора қилинмоқда.

٢٦ - التَّاجِرُ الْجَبَانُ مَحْرُومٌ وَالتَّاجِرُ الْجَسُورُ مَرْزُوقٌ. (الْقُضَاعِي  
عن أنس مرفوعاً)

26. «Кўрқоқ савдогар маҳрумдир. Таваккалчи, ботир савдогар ризқланувчидир».

**Изоҳ:** Сарвари олам бу ҳадисда савдогарнинг таваккалчи бўлиши кераклигини айтмоқдалар.

۲۷ - عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «التَّاجِرُ الصَّدُوقُ الْأَمِينُ مَعَ النَّبِيِّينَ وَالصِّدِّيقِينَ وَالشُّهَدَاءِ». (الدارمي والداري وَالدَّارِ قُطْنِي وَالتِّرْمِذِيُّ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ)

**27. «Тўғрисўз ва хиёнатсиз савдогар Пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир».**

**Изоҳ:** Бошқа ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

**«Эй тожирлар жамоаси!»** дедилар. Улар бошларини кўтариб, чақириққа жавобан у зотга қарадилар. Шунда у зот:

**«Албатта, тожирлар қиёмат куни фожирлар бўлиб қайта тирилтирурлар. Магар Аллоҳга тақво қилган, яхшилик ва ростгўйлик қилган бундан мустасно»,** дедилар.

Бошқа бир ривоятда: **«Ростгўй, омонатли тожир набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир»,** дейилган (*Икковини ҳам имом Термизий ривоят қилган*).

Агар тақводор, яхшилик қилувчи ва ростгўй бўлмаса, тожирлик эгасига надомат, охират шармандалигини келтирар экан. Ҳар бир тожир ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган уч сифатни ўзида мужассам этишга уринмоғи керак:

1. Аллоҳ таолога тақво қилиш.
2. Яхшилик қилиш.
3. Ростгўй бўлиш.

Ушбу сифатлари бор одамгина тижоратда фожирлик, алдамчилик, ҳаромхўрлик қилмайди.

Аслини олганда, шариат кўрсатган йўл билан амалга оширилса, тожирлик ҳам ибодат бўлади. Чунки тожирлар тижоратлари орқали ўзларига фойда топишдан ташқари, жамиятлари учун катта аҳамиятга эга бўлган ишни амалга оширадилар. Кўпчиликнинг оғирини енгил қиладилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам Хадича онамизнинг моллари ила тижорат қилганлар.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда тижоратни ҳалол этганини эълон қилган. Ҳатто ҳаж ибодати вақтида ҳам тижоратга руҳсат берган. Уламоларимиз тижорат, зироат ва саноатдан қайси бири афзал, деб савол берганларга баъзи ҳолларда тижорат афзал эканини таъкидлаганлар. Аммо ушбу афзалликларнинг ҳаммаси тожирнинг тақводор, ростгўй ва омонатли бўлишига боғлиқдир. Ана ўшанда мўмин-мусулмон тожир қиёмат куни юксак мартабаларга эришади. Набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўлади.

۲۸ – مَنْ بَاتَ كَمَالًا مِنْ طَلَبِ الْحَلَالِ بَاتَ مَغْفُورًا لَهُ. (رواه ابن عساکر عن أنس).

28. «Ким ҳалол ризқ талабидан чарчаган ҳолда тунаса, гуноҳлари мағфират қилинган ҳолда тунабди».

۲۹ – الصُّبْحَةُ تَمْنَعُ الرِّزْقَ. (رواه أحمد والبيهقي عن عثمان بن عفان)

## 29. «Тонгги уйқу ризқни тўсади».

**Изоҳ:** Кишилар эрталаблари билан савдо ишлари билан машғул бўлганда, ялқовланиб, ухлаб ётувчи кишилар камбағал бўлиб қолишидан огоҳлантирилмоқда.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқа бир ҳадисда:

**«Эй бор Худоё! Умматимга эрталабки ишни баракали қилгин!» дедилар.**

**У Зот лашкар ёки «сарийя» юборадиган бўлсалар эрта тонгда юборар эдилар.**

**Соҳр тожир одам эди. Қачон тижорат юборадиган бўлса, эрта тонгда юборар эди. У бой бўлиб, моли кўпайиб кетди»** (*Имом Термизий ривояти*).

Саҳархезлик яхши ва баракали экани ҳақида аввал ҳам бир неча ривоятлар келган эди. Ушбу ривоятда эса бу ишга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дуолари кетгани ва, айниқса, тижорат ишида тажрибадан ўтганлиги таъкидлаб айтилмоқда.

Ораларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари бўлмаган мусулмон жангчилар гуруҳи «сарийя» деб аталган. Ҳатто лашкар ҳам эрта тонгда ҳаракатга киришса, унга зафар ёр бўлар экан.

Ушбу ҳадиснинг ровийи Соҳр ал-Ғомидий ўзлари ривоят қилган ҳадисга оғишмай амал қилганлари тўғрисида бойиб кетган эканлар.

Ҳар бир нарсада эрта саҳардан ҳаракат қилиш жуда ҳам фойдали ва баракотлидир. Чунки бунга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дуолари кетган. Тажриба ҳам шунни кўрсатади. Нима иш қи-

ладиган бўлсак, эрта саҳардан бошлашга одатланишимиз керак. Ўз меҳнати билан ризқу рўз топиш Ислому умматининг энг яхши авлоди — саҳобаи киромларнинг, энг кўзга кўринган сиймоларнинг одатлари эди.

۳۰ - أَخَذِ الْغَنَمَ فَإِنَّهُ بَرَكَةٌ. (رواه ابن ماجه وأحمد)

30. «Кўй боқинглар, чунки у баракадир».

**Изоҳ:** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа, қай бир набий бўлса, албатта, кўй боққан», деганлар».

Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам вояга етиб қолганларида кўй боқиш ила тирикчилик ўтказдилар. У зот алайҳиссалом арзимаган ҳақ учун одамларнинг қўйини боқдилар.

Бу ишда ҳам Аллоҳ таолонинг инояти ила У зотнинг келажакда пайғамбарлик қилишларига тайёргарлик бор эди. Ҳайвонлар ичида энг ювоши бўлган қўйни боқиш ҳамма пайғамбарлар қилган ишдир. Чунки бу иш уларнинг кейинчалик ўз умматларига раҳбарлик қилишларига тайёргарликдир.

۳۱ - إِذَا سَبَّ اللَّهُ تَعَالَى لِأَحَدِكُمْ رِزْقًا مِنْ وَجْهِهِ، فَلَا يَدْعُهُ حَتَّى يَتَغَيَّرَ لَهُ. (رَوَاهُ أَحْمَدُ وَابْنُ مَاجَه)

31. «Сизларнинг бирингизга бирор томондан ризқ келиб туришини Аллоҳ таоло сабаб қилган бўлса, у ўзи ўзгармагунича ўша ишни тарк қилмасин».

**Изоҳ:** Аллоҳ бирор кишига касби орқали оз бўлса ҳам ризқ бериб турган бўлса, то у тўхтаб қолмагунича бошқа касбга ўзгартирмасин.

۳۲ – مَنْ رَزَقَ فِي شَيْءٍ فَلْيَلْزِمَهُ. (رواه البيهقي عن أنس)

32. «Ким бирор нарса билан ризқланган бўлса, уни маҳкам тутсин!».

**Изоҳ:** Бир кишининг бир иш, ёки касб ёки бирор савдодан ризқи келиб турган бўлса, уни ташламасин, балки шу ишида давом етсин!

۳۳ – أَبْشِرْ، فَإِنَّ الْجَالِبَ إِلَى سَوْقِنَا، كَالْمُجَاهِدِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، وَالْمُحْتَكِرُ فِي سَوْقِنَا، كَالْمُلْحِدِ فِي كِتَابِ اللَّهِ» (رواه الحاكم عن  
اليسع بن المغيرة مرسلاً)

33. «Хушхабар беринг, бозоримизга (зарур) нарсаларни олиб келган киши Аллоҳ йўлидаги мужоҳид кабидир. Бозоримизда чайқовчилик қилганлар Аллоҳнинг китобидаги даҳрийлар кабидир».

**Изоҳ:** Халқнинг асосий эҳтиёжи тушадиган ун, гўшт, гуруч, ўтин, кўмир ва шу кабилар нарсаларни бизнинг бозоримизга етказиб олиб келувчилар Аллоҳ йўлида ғазот қилувчилар кабидир. Аммо халқнинг эҳтиёжи тушадиган нарсалар баҳоси қиммат бўлганда сотаман, деб йиғиб қўювчилар Аллоҳнинг китобини инкор қилувчи даҳрийлар кабидир.



۳۴ - يُحِبُّ اللهُ الْعَامِلَ إِذَا عَمِلَ أَنْ يُحْسِنَ (رواه الطبراني عن  
 كليب بن شهاب)

34. «Ишини яхши бажарган ишчини Аллоҳ таоло яхши кўради».

۳۵ - مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَزْرَعُ زَرْعًا، أَوْ يَعْرِسُ غَرْسًا، فَيَأْكُلُ مِنْهُ  
 طَيْرٌ، أَوْ إِنْسَانٌ، أَوْ بَيْمَةٌ إِلَّا كَانَ لَهُ بِهِ صَدَقَةٌ» (رواه وأحمد  
 عن أبي الدرداء)

35. «Бирор мусулмон киши экин экса ёки да-  
 рахт ўтқазса, ундан бирорта қуш ёки одам ёки  
 ҳайвон еса, бу ўша мусулмон учун садақа бўлади».

**Изоҳ:** Зироатчилик билан шуғулланиш ана шундай улуғ иш. Баъзи вақтда экинига ўғри тушган зироатчилар хафа ҳам бўлишади. Албатта, бу хафа бўлишга арзигулик ҳодиса. Тер тўкиб қилинган меҳнат самараси қандайдир нобакор томонидан олиб кетилиши ачинарли ҳолат. Лекин зироатчи ўша ўғирланган нарсаси ҳам беҳуда кетмаганини англаб етиши лозим. Бу иш унинг учун садақа сифатида номаи аъмолига ёзиб қўйилади.

Ҳа, деҳқонлардан ҳамма манфаат олади. Аллоҳ таоло уларни ҳамма жонзотнинг ризқига сабабчи қилиб қўйган. Шунинг учун ҳам касбларнинг ичида Ислом уламолари нуқтаи назарида деҳқончилик энг афзал касб ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам қиёмат қоим бўлиб, жаннатий-лар жаннат эшиклари олдида тўпланиб ким биринчи киради, дейилганида деҳқон, дейилади.

۳۶ - لَأَنْ يَأْخُذَ أَحَدُكُمْ حَبْلَهُ ثُمَّ يَغْدُو - إِلَى الْجَبَلِ -  
فِيحْتَطِبَ، فَيَبِيعَ، فَيَأْكُلُ وَيَتَصَدَّقَ، خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَسْأَلَ  
النَّاسَ (رواه البخاري في صحيحه عن أبي هريرة)

36. «Сизлардан бирингиз арқонини олиб, сўнг-ра тоққа чиқиб, ўтин териб, кейин уни сотиб, пу-лини ейиши ва садақа қилиши, одамлардан ти-ланчилик қилиб сўрашидан яхшироқдир».

**Изоҳ:** Инсоният тарихида бу каби ўз меҳнати билан ҳаёт кечирिशга тарғиб бўлмаса керак. Бировдан бир нарса сўраб олиб турмуш кечирिश ўр-нига, арқонни олиб, далага чиқиб ўтин териб келиб сотиш яхши.

Баъзи бир кишилар ўтин териб сотиш, мардикор-лик қилиш ёки шунга ўхшаган ишларни қилишни ор биладилар. Аммо бировга ёлвориб, бир нарса сўраб ейишни ўзларига эп кўрадилар. Ёки айримлар биров-нинг ҳақини турли ношаръий йўл ва услублар ила ҳа-ромдан олиб ейишлари билан кериладилар. Ҳолбуки, бировдан сўраб олиб кун кечирिश ҳақиқий ор қили-надиган ишдир. Бировнинг ҳақини ҳаром йўл билан олиш эса, катта гуноҳдир. Аксинча, ҳалол йўл билан, пешона тери тўкиб ҳаёт кечирिश энг тўғри, энг ша-рафли ишдир. Ризқ топиш учун қилинадиган ҳалол

меҳнатнинг катта-кичиги, обрўли-обрўсизи бўлмайди. Энг ҳақиқий обрў меҳнат ила ҳалол ризқ топишдир. Энг ёмон обрўсизлик эса, бошқаларнинг топгани хисобига кун кўришдир. Ислом таълимоти шу. Исломдан, унинг таълимотларидан узоқда бўлганда бу меъёр ва ўлчовлар ҳам тескарисига ўзгаради. Аслида, тиланчилик Ислом жамиятига ёт бўлиб, унда ҳар қандай ҳалол меҳнат рағбатлантирилади.

Чиндан ҳам, мусулмон киши бировдан сўраб турмуш ўтказгандан кўра, ўтин териб сотиб кун кўришни афзал билади. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳалол меҳнати билан ҳаёт кечиришга уринади.

۳۷ – إِنَّ الْمَسْأَلَةَ لَا تَحِلُّ إِلَّا لِأَحَدٍ ثَلَاثٍ: دَمٍ مُّوجِعٍ، أَوْ غُرْمٍ مُّفْطَعٍ، أَوْ فَقْرٍ مُّذْقِعٍ. (رواه أحمد عن أنس بن مالك)

37. «Тиланчилик фақат уч кишига ҳалол бўлади. Хун тўловчи, оғир қарздор, ўта камбағал қашшоқ».

**Изоҳ:** Хун – қасддан ёки билмасдан бир одамни ўлдирганда тўланадиган товондир.

۳۸ – اسْتَعِيدُوا بِاللَّهِ مِنَ الْفَقْرِ وَالْعَيْلَةِ، وَمَنْ أَنْ تَظْلِمُوا أَوْ تُظْلَمُوا. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ عَنْ عِبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ)

38. «Камбағалликдан, муҳтожликдан, бировга зулм қилишдан ёки бировдан зулм кўришдан Аллоҳ номи билан паноҳ сўранглар!»

۳۹ – اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْفَقْرِ وَالْقِلَّةِ وَالذَّلَّةِ، وَأَعُوذُ بِكَ أَنْ أَظْلِمَ أَوْ أُظْلَمَ. (رواه البخاري في الأدب المفرد وأحمد في مسنده وأبو داود والنسائي في سننهما وابن حبان في صحيحه)

39. «Ё Раббим! Камбағаллиқдан, ризқнинг озлиғидан хорлиқдан паноҳ сўрайман ва зулм қилишдан ёки бировдан зулм кўришдан ҳам паноҳ сўрайман».

۴۰ – اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْهُدَى وَالتَّقَى وَالْعِفَافَ وَالْغِنَى. (رواه البخاري في الأدب المفرد ومسلم وأحمد والترمذي وابن ماجه عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ)

40. «Аллоҳим! Сендан ҳидоят, тақво, иффат ва беҳожатликни сўрайман!»

Изоҳ: Бу ҳам Набавий дуолардандир.

## УЧИНЧИ БОБ

### МАҚТОВЛИ АХЛОҚҚА ДОИР ҲАДИСЛАР

٤١ - أَفْضَلُ الْمُؤْمِنِينَ إِيمَانًا أَحْسَنُهُمْ خُلُقًا. (رواه أبو يعلى  
عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ)

41. «Мўминларнинг иймон жиҳатидан энг афзали хулқи гўзал бўлганларидир».

٤٢ - أَكْمَلُ الْمُؤْمِنِينَ إِيمَانًا، أَحْسَنُهُمْ خُلُقًا. (رواه الدارمي  
وأحمد ابو داود والترمذي وابن حبان عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ)

42. «Мўминларнинг иймон жиҳатидан энг комили хулқи гўзал бўлганларидир».

٤٣ - إِنَّ الْمُؤْمِنَ لَيُدْرِكُ بِحُسْنِ خُلُقِهِ دَرَجَةَ قَائِمِ اللَّيْلِ  
وَصَائِمِ النَّهَارِ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ حَبَانَ عَنْ عَائِشَةَ - رَضِيَ  
اللَّهُ عَنْهَا)

43. «Албатта, мўмин киши чиройли хулқи туфайли кечаси ибодат билан машғул бўлиб, кундузи рўза тутганлар даражасини топур».

٤٤ - مِنْ حُسْنِ إِسْلَامِ الْمَرْءِ تَرْكُهُ مَا لَا يَعْنِيهِ. (رواه الطبراني والبيهقي عن أبي هريرة)

44. «Фойдаси бўлмаган нарсани тарк қилиш кишининг исломи гўзаллигидандир».

٤٥ - إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ مَنْ عَبَادِهِ الْغَيُورَ. (رواه الطبراني عن عليّ بن أبي طالب)

45. «Аллоҳ таоло бандалари орасидан рашкли бўлганини яхши кўради».

٤٦ - إِنَّ اللَّهَ عَفُوٌّ يُحِبُّ الْعَفْوَ (رواه إمام الأعظم أبو حنيفة في مسنده والطبراني في الأوائل والبيهقي في سنن الكبرى عن عبد الله بن مسعود رضي الله عنه)

46. «Албатта, Аллоҳ кечирувчидир, кечиримлини яхши кўради».

٤٧ - إِنَّ اللَّهَ جَمِيلٌ يُحِبُّ الْجَمَالَ. (رواه مسلم وأحمد وابن حبان والطبراني عن عبد الله بن مسعود)

47. «Аллоҳ таоло гўзалдир, гўзалликни яхши кўради».

٤٨ - إِنَّ حُسْنَ الْعَهْدِ مِنَ الْإِيمَانِ. (رواه الحاكم والديلمي عن عائشة رضي الله عنها)

## 48. «Ваъдаси устидан чиқиш иймондандир».

**Изоҳ:** Маълумки, ваъдага вафо қилиш мўмин-муслмоннинг юксак сифатидир. Зеро, буюк хулқ соҳиби Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқа юксак фазилатлар қатори аҳдига вафо қиладиган, сўзи устидан чиқадиған инсон бўлганлар. Азал-азалдан халқимиз орасида ваъдага вафо қилмаслик қораланиб келган ва келмоқда. Ҳатто ваъдабоз, субутсиз ва ёлғончи кишини яхши инсон деб билишмаган. Айниқса, ислом ахлоқи асосида тарбия топганлар бундай разил ишлардан нафратланишган. Қуруқ ваъдабозлик бевосита ёлғончиликка етаклайди. Бу эса, Исломда улкан гуноҳлар сирасига киради. Чунки мўминда ёлғон ва хиёнат бўлмайди. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Мунофиқнинг учта аломати бор. Сўзласа, ёлғон гапирди, ваъда берса, хилоф қилади ва омонат қўйилса, хиёнат қилади”**, деганлар (*Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари*).

Аҳдга вафо қилиш имоннинг асосий белгиларидан бўлиб, бу тўғрисида Қуръони каримда қайта-қайта такрорланган. Аллоҳ таоло Муъминун сурасида иймонли кишиларни таърифлаб бундай марҳамат қилади:

**“Улар (мўминлар) (одамларнинг берган) омонатларига ва (ўзаро боғлаган) аҳд-паймонларига риоя этувчидирлар” (8-оят).**

Бақара сурасида эса:

**“Аҳдимга вафо қилингиз, токи Мен ҳам сизларнинг аҳдингизга вафо қилай”, дейилган (40-оят).**

Исломиё одоб-ахлоққа кўра, ваъдага вафо қилиш, хиёнатга берилмаслик якка шахслар ҳамда жамоалар ўртасида ўзаро ишонч ришталарининг мустаҳкамланиши ва ҳамкорлик барқаролигининг асосидир. У орадан йўқолса, кишилар бир-бирига ишонмай қўйишади. Оқибатда улар ўртасидаги ишонч, меҳр-оқибат ва инсонийликка путур етиб, ёлғончилик ҳамда алдов кучайиб, мустаҳкам жамият инқирозга юз тутлади.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам вафодорларнинг пешвоси эдилар. Бу борада биз умматларига ўрнак бўлганлар. У зот пайғамбарликларидан олдин ҳам ваъдаларига доимо вафо қилганлар.

Мўмин-муслмонман, деган киши берган аҳдига вафо қилиб, уни мукамал адо этса, ўшанда аҳдига вафо қилган бўлади. Вафодорлик мўминга хос бўлиб, унга амал қилиш орқали бу инсоний фазилат сақланади. Инсонларнинг бирдамлиги, ўзаро алоқалари мустаҳкамланади.

٤٩ – لَا إِيمَانَ لِمَنْ لَا أَمَانَةَ لَهُ، وَلَا دِينَ لِمَنْ لَا عَهْدَ لَهُ.

(رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حَبَانَ وَالطَّبْرَانِيُّ عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

**49. «Омонатдорлиги бўлмаган кишининг иймони йўқ, аҳдига вафо бўлмаган кишининг дини йўқ».**

**Изоҳ:** Демак, иймони ва динини сақлаб қоламан деган инсон омонатдор ва ваъдаси устидан чиқадиган бўлиши керак экан.



## ۵۰ - الْحَيَاءُ مِنَ الْإِيمَانِ. (متفق عليه)

### 50. «Ҳаё иймондандир».

**Изоҳ:** Ҳаё – ҳаёт асоси, ҳаё инсон зийнатидир. Инсон табиатидаги гўзал фазилатлардан бири – ҳаёдир. Ҳаё кишининг иймон-этиқоди, одоб-ахлоқининг даражасига қараб, кўп ёки кам бўлади. Кишининг беъмани ишлардан ўзини тортаётганини ёки бирор нолойиқ ишни бажариб, ҳижолатдан юзи қизарганини кўрсангиз, билингки, у ҳаёли инсондир. Борди-ю, қилаётган ишларига бепарво бўлса, яхши-ёмонлигига эътибор бермай қилаверса, халқимиз ундай одамдан яхшилик чикмайди, унинг ҳаёси йўқ, дейди.

Ҳаё динимизнинг гўзал хулқидир. Ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ҳар бир диннинг хулқи бўлади. Ислоннинг хулқи эса ҳаёдир”**, дедилар (*Имом Ибн Можа ривоят қилган*).

Ҳаё барча яхши хислатларни ўзида жам қилган гўзал фазилатларнинг асосидир. Инсон ҳаёсига қараб яхшиликлар ҳосил бўлади. Унинг заифлигига қараб ёмон иллатлар бўй чўзади. Ваъдага вафо қилиш, ибодатларни вақтида адо этиш, сабрли бўлиш, рост сўзлаш каби барча яхшиликларга ҳаё ундаб туради.

Унинг акси бўлган ёлғончилик, чақимчилик, ғийбат, туҳмат, ношукрлик, кибру ҳавога берилиш каби гуноҳлар замирида ҳаёсизлик ётади. Агар инсонда ҳаё бўлса, ўзини мана шу салбий хислатлардан иложи борида узоқда тутати. Ҳаё бу – ҳаёт сўзидан олинган бўлиб, маъноси бир-бирига яқин. Яъни,

ҳаёт тириклик дегани, ҳаё уялиш дегани – икковининг ўзаги бирдир. Бироқ айтилишига қараганда, маъноси бир-бирига узоққа ўхшайди: тириклик билан ҳаёнинг бир-бирига қандай алоқаси бор дейилиши мумкин. Аммо бироз тафаккур қилинса, улар ўртасидаги боғлиқликни фаҳмласа бўлади. Ҳаё инсондаги сезги, ҳиссиёт ва туйғулар қувватидан пайдо бўлиб, тириклик нишонларидир. Инсондаги нозик ҳиссиёт, сезгиларнинг мажмуаси ҳаётни ташкил этади. Тирик одам сезади, ўлик одам эса ҳеч нарсани сезмайди. Чунки унинг сезги туйғулари кесилган бўлади. Бу билан унинг ҳаёти ҳам тўхтаydi. Демак, ҳиссиёт, сезги, туйғу, англаш бу ҳаёт аломатларидир. Ҳаё сўзи тирикликдан олинганининг маъноси шунда.

Ҳаё ҳам шундай нозик сезги, туйғулари бор одамда бўлади. Туйғуси йўқ одам ҳаёт бўлиши мумкин, лекин ҳаёси, уяти бўлмайди, унча-мунча нарсага аҳамият бермайди, сезмайди, ҳатто ҳижолат ҳам бўлмайди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): **“Инсонларга аввалги пайғамбарлардан етиб келган бир гап бор: “Уялмасанг, билганингни қил”, деганлар (Имом Бухорий ривояти).**

Ҳаёли инсон кўнглига нима келса, шу нарсани қилиб кетаверишдан ўзини тияди. Шу билан у ҳайвонга ўхшашдан сақланади. Ҳайвон олдига келганини қайтармайди, ҳаёсиз инсон эса оғзига келганини қайтармайди. Эшитган гапини ўйламайди, бироз таҳлил қилиб ҳам кўрмайди.

Шундай экан, ҳаёга эътиборсиз бўлмайлик ва ундан ғафлатда ҳам қолмайлик. Шунда икки дунё саодатига эришамиз, иншоаллоҳ.

۵۱ - مَنْ لَا يَرْحَمُ لَا يُرْحَمُ. (مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ)

51. «Ким раҳм қилмаса, унга ҳам раҳм қилинмайди».

**Изоҳ:** Фақат ҳақиқий бахтсиз, бадбахт инсондагина раҳм-шафқат бўлмайди. Бошқа барча инсонларда бўлади.

Кимда раҳм-шафқат бўлмаса, бу унинг бахтсизлиги, бадбахтлиги аломатидир.

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«Мен, содиқул масдуқ Абулқосим, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Раҳмат фақат бадбахтдангина суғуриб олинади», деганларини эшитдим».

Муовия ибн Қурра отасидан ривоят қилади:

«Бир киши:

«Ё Аллоҳнинг Расули! Мен қўй сўйсам, унга раҳм қиламан ёки қўйга раҳмим келганидан сўя олмайман», деди.

«Сен қўйга раҳм қилган бўлсанг, Аллоҳ сенга раҳм қилади», деб икки марта айтдилар».

Демак, нафақат инсонга, балки ҳайвонга кўрсатилган раҳм-шафқат ҳам вақти келганда Аллоҳ таолонинг раҳм-шафқатига сабаб бўлар экан.

Шунинг учун нафақат инсон зотига, балки ҳайвонот оламига, наботот оламига ҳам раҳм-шафқатли бўлиш, уларни қийнамаслик, қийналган бўлса, мушкулотини аритиш, уларга озор бермаслик мўмин-муслмонларнинг одобларидан ҳисобланади.

Бундай амални қилган одамга Аллоҳ таолонинг Ўзи раҳм қилади, унга Аллоҳ таолонинг раҳм-шафқати, меҳрини қозониш насиб бўлади. Бу жуда улуғ нарса.

Кимнинг мўмин-мусулмонлиги ҳақиқий бўлса, унда албатта раҳм-шафқат бўлади.

Бундай шафқат умумий бўлиб, инсон зотига, ҳайвонотга, набототга, раҳм-шафқатга муҳтож ҳар қандай нарсага тааллуқлидир.

Иншоаллоҳ, одамларга кўрсатилган раҳм туфайли Аллоҳ таолонинг раҳмати, шафқатига сазовор бўлиш мумкин.

۵۲ - أَحَبُّ الْحَدِيثِ إِلَيَّ أَصْدَقُهُ. (رواه أحمد)

52. «Сўзлар ичида менга энг суюклиси тўғриси-дир».

**Изоҳ:** Шариатимиз кўрсатмаларига кўра, ёлғон гапириш ҳар қандай ҳолатда ҳаром саналади. Чунки ёлғоннинг оқибати соғлом муҳит ва манзарани иллатли ҳолатга олиб келади. Ҳар қандай ёлғон, хоҳ у катта ё кичик бўлсин, фош этилганидан сўнг, ишонувчи кишининг қалбида кетказиб бўлмайдиган доғга айланади. Унинг асорати кишига нисбатан ишончсизликка, ҳатто энг яқин инсонлар ўртасидаги меҳр-муҳаббатнинг заволи бўлишига олиб келади. Шунинг учун шариатимиз инсонлар яшаб турган бу жамият заволи топмаслиги, кишилар бир-бирлари билан иноқ-тотув яшашлари учун ёлғоннинг барча туридан қайтарди. Ўзи нима учун ёлғон гапирилади? Ёки, сизга “ёлғон гапирганмисиз?” деб савол берилса, қандай жавоб қила оласиз?

«У бирор сўз айтмас, магар ҳузурда (фаришта) ҳозир у нозир» (Қоф сураси, 18-оят).

Аслида, ёлғон гапнинг ўрнида рост сўзлаш бор. Аммо рост гапириш, кишининг нафси-ҳавосини қийнаб қўядиган бўлса, унинг ўрнига ёлғон ишлатилади. Киши қандайдир нарсани йўқотиб қўйишдан қўрқиб ёки нимагадир етишиш учун ёлғонга қўл уради. Ана шу йўқолаётган ва қўлга киритилаётган нарса дунё маънодан бошқа нарса эмас. Эътибор берайлик, ёлғон фақатгина дунё нарсаси устидагина пайдо бўлар экан. Бу бойлик, мансаб, обрў, шараф каби бошқалардан қўра устун бўладиган жиҳатлардир. У охират нарсаси учун ишлатилмайди. Киши бирор нарсани қўлга киритиш учун ёлғон гапиради-да, озгина вақт ўтгандан сўнг, “тўғриси айтсам ҳам бўларди-ку”, деб қўяди. Бу ҳолатда киши ўзини алдаган ҳисобланади.

Ёлғонга фақат заруратда рухсат бор. Бунга шариат белгилаган ўринларда зарурат бўлганда ва шунга ҳолат тушгандагина йўл қўйилади. Бу ерда маълум бир таълимотларни билишимиз керак.

Ёлғон катта гуноҳлар сирасига киради. Бу амални содир қилган киши динда қаттиқ қораланади. Дўзахга элтувчи ушбу гуноҳни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай баён қиладилар: **“Сидқ, албатта, яхшиликка, яхшилик жаннатга етаклайди. Киши токи рост гапирар экан, у Аллоҳ ҳузуринда “сиддик” деган номга эга бўлади. Ёлғон, албатта, бузуқликка, бузуқлик дўзахга элтади. Киши токи ёлғон гапирар экан, Аллоҳ ҳузуринда “каззоб” деб ёзиб қўйилади”** (*Муттафақун алайҳ*).

Киши ҳаётида ёлғонни ишлатиш билан кўнгли тусанган барча орзу-ҳавасларига етиши мумкин, аммо у Ал-

лоҳнинг наздида “ёлғончи” деган ном билан чақирилади. Шундай чақирилган кишининг жазоси дўзах бўлар экан.

Ёлғон фақат ёлғончининг ўзига эмас ёки ёлғондан бевосита зарар топувчигагина эмас, балки бутун жамиятга, инсониятга зарар етказадиган катта маънавий жиноятдир. Шунинг учун ҳам Ислолда бу разолатга нисбатан ўта муросасиз муносабатда бўлинган ва унга ҳеч йўл қўймасликка ҳаракат қилинган.

Имом Молик ривоят қилган ҳадиси шарифда Савфон ибн Сулайм розияллоҳу анҳу айтадиларки:

– Ё Аллоҳнинг Расули! Мўмин қўрқоқ бўладими? – деб сўралди.

– Ҳа, – дедилар.

– Ё Аллоҳнинг Расули! Мўмин бахил бўладими? – деб сўралди.

– Ҳа, дедилар.

– Ё Аллоҳнинг Расули! Мўмин ёлғончи бўладими? – деб сўралди.

– Йўқ, – дедилар.

Ушбу ҳадиси шарифдан кўриниб турибдики, Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам гарчи бошқа ҳадисларда қўрқоқлик ва бахилликни салбий сифатлар ўлароқ танқид қилган, улардан четланишга амр қилган бўлсалар ҳам, бу ерда ёлғонга нисбатан бу икки салбий сифат арзимас бир ҳол эканини билдирмоқдалар. Шу билан бирга, ёлғон нақадар катта гуноҳ эканлигини, ёлғончи одам мўмин бўлолмаслигини таъкидламоқдалар.

Бу фикрни Имом Байҳақий Абу Бакр розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадис ҳам қувватлайди. Бу

ҳадисда: «**Ёлғон иймондан четлатувчидир**», дейилади.

Иймон нима, иймонсизлик нима – фарқига борадиган киши учун иймонсизлик нақадар катта бадбахтлик эканлиги маълум. Қўрқоқлик ва бахиллик хусусида сўз юритилганда, айтмоқ лозимки, бу иллатлар кимда мавжуд бўлса, энг аввало, ўша одамнинг ўзи зарар кўради. Одатда, Ислом дини ўз эгасидан бошқага зарари кам етадиган ана шу қўрқоқлик ва бахиллик каби гуноҳларга нисбатан жамиятга, халқ оммасига кўпроқ зарари етадиган гуноҳларга катта эътибор беради.

Исломда банданинг ҳақиқага зарар етказадиган гуноҳлар қаттиқ қораланади. Аввалги бобларда ҳам таъкид этганимиздек, ёлғиз Яратганининг ҳақи бўлса, ўша маълум бир гуноҳни Аллоҳнинг Ўзи кечириб юбориши мумкин.

Бироқ бандаларга, жамиятга зарар етказилса, ўша зарар кўрган банда ва жамият кечирмагунча Аллоҳ ҳам кечирмайди. Ёлғон эса, кўпчиликка зарари тегадиган мана шундай гуноҳлар қаторига киради.

Демак, бир кишининг ёлғончилиги сабабли неча миллионлаб бегуноҳ кишилар жафо чекар экан. Демак, ёлғончининг шахсига, жамиятда эгаллаб турган ўрнига қараб, жамиятга келтирадиган зарарининг даражаси, миқдори, кўлами ҳам ўзгариб боради.

Ёлғоннинг яна бир жирканч кўриниши – алдамчиликдир. Яъни, ўзига ишонган одамни билиб туриб алдаш – унга ёлғон гапиришдир. Буни Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам улкан гуноҳ деб атаганлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал бу ҳақда қуйидаги ҳадисни ривоят қиладилар:

«Энг катта хиёнат - сенга ишонган биродарингга ёлғон гапиришингдир».

Ушбу ҳолатларни ҳисобга олиб, Исломда ёлғонга қарши қаттиқ курашилган. Ёлғончилар турли разил сифатлар билан сифатлантирилиб кўрсатилган ва уларга тайинланган жазолар такрор-такрор айтилган.

۵۳ - مَا مِنْ صَدَقَةٍ أَحَبَّ إِلَى اللَّهِ مِنْ قَوْلِ الْحَقِّ. (البیهقي

عن أبي هريرة)

53. «Садақалар ичида бирортаси тўғри сўзчалик Аллоҳга суюкли эмас».

**Изоҳ:** Ушбу ҳадисда ҳақ сўзларни айтишга, адолатли ва инсофли бўлишга чорланмоқда. Чунки Аллоҳ таоло: “**Ахир, улардан Аллоҳ шаънига фақат ҳақ (гаплар)ни айтишлари учун Китоб (Таврот) аҳди олинмаганмиди?**” деб марҳамат қилади (*Аъроф сураси, 169-оят*).

Ислом инсонларни ҳақ сўзни айтишга, ростгўйликка, адолат тарозусига риоя этишга, интизомсизлик, лоқайдлик ва жаҳолатга қарши туришга чорлайди.

Тўғри йўлда бардавом бўлиш, ноҳақлик ва ёлғон аралашган ўринларда ҳақни сўзлаш ҳам инсонни азиз қиладиган, мартабасини кўтарадиган хислатлардан ҳисобланади.

“Бошингга қилич келса ҳам рост сўзла” деган нақл тўғрисўзликка қанчалар эътибор берилишига далолат



қилади. Киши ҳақ сўзни ўзига етадиган азиятлардан қўрқиб ёки дунё матоҳларига эга бўлиш учун, ёхуд ундан махрум бўлиб қолишдан чўчиганидан эмас, балки одамийликдек улуғ мартабага доғ туширмаслик ва содиқликдек буюк сифат эгаси бўлиш учун гапиради.

۵۴ – إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الرَّفْقَ فِي الْأَمْرِ كُلهِ. (رواه البخاري ومسلم والترمذي عَنْ عَائِشَةَ)

**54. «Албатта, Аллоҳ барча ишда мулойимликни севади».**

**Изоҳ:** Инсонларга хитоб қилаётган чоғда чиройли, гўзал сўзларни топиб ишлатиш керак. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Бандаларимга айтинг, гўзал (сўзлардан) сўзласинлар. Зеро, шайтон уларнинг ўрталарида бузғунчилик қилур. Дарҳақиқат, шайтон инсонга аниқ душмандир”** (Исро сураси, 53-оят).

Хусайн розияллоҳу анҳудан: “Отамдан пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суҳбатдошлари билан бўлган муносабатлари ҳақида сўрадим. У: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам доимо қувноқ, мулойим ва гўзал ахлоқли зот эдилар. Ул зот қўпол ва бақироқ, бировларнинг айбларини изловчи эмасдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам уч нарсани: риёкорлик, сергаплик ва фойдасиз нарсаларни ёқтирмасдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам савобини умид қилган сўзнигина гапирар, гапирган-

ларида саҳобалар бошларида қуш қўниб тургандек жим ўтириб эшитишарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам гапларини тугатганларидан кейингина гапирардилар. Саҳобалар ул зотнинг олдларида бир-бирлари билан гап талашмас, бири гапирса, гапини тугатгунча ҳаммаси унга қулоқ солишарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса, биринчи бўлиб гап бошлаган саҳобанинг сўзини тинглар, улар кулган нарсаларга кулар, ажабланган нарсаларидан ажабланардилар (*Имом Термизий ривояти*).

Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз умматларига жуда кўплаб ахлоқ қоидаларини таълим берганлар. Мўмин учун зийнат бўладиган фазилатларни бирма-бир баён этганлар. Ойша розияллоҳу анҳога қилган панду насиҳатларида бундай деган эканлар: **«Эй Ойша , ўзингга юмшоқликни лозим тутгин, қўполлик ва ундан пайдо бўладиган ёмонликлардан сақлан, чунки юмшоқлик аралашган ҳар бир нарса чиройли бўлур ва юмшоқлик аралашмаган нарсанинг айблари кўриниб қолур».**

Дарҳақиқат, юмшоқ, ширин сўзли кишини барча яхши кўради, қўпол кишидан эса ҳамма ўзини четга олади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларини кўркам хулқли бўлишга чақириб бундай деганлар: **«Қиёмат кунда мўмин банданинг барча амаллари тарозуга қўйилганда, энг тош босадиган амали яхши хулқдир, Аллоҳ таоло шармсиз, беҳаё сўз айтувчиларни ўзига дўст тумас».**

۵۵ – إِنَّمَا بُعِثْتُ لِأَتَمِّمَ صَالِحَ الْأَخْلَاقِ. (رَوَاهُ أَحْمَدُ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ)

55. «Мен яхши хулқларни камолига етказиш учун юборилдим».

**Изоҳ:** Гўзал хулқ – комилликдир. Гўзал хулқ билан кишининг иймони мукаммал бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Қайси мўминнинг иймони комил ҳисобланади”, деб сўрашганида: “**Гўзал хулқли мўминнинг**”, деб жавоб берганлар (*Имом Абу Довуд ривояти*).

Гўзал хулқли киши тунлари бедор, кундузлари рўзадор бўлган одам даражасини қўлга киритади, деган ривоятлар ҳам бор. Энг гўзал хулқ эгаси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салам ҳақларида Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилган: «**Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз**» (*Қалам сураси, 4-оят*).

Ҳазрати Ойша розияллоҳу анҳодан Пайғамбаримизнинг ахлоқлари ҳақида сўрашганида: “Ахлоқлари Қуръон эди”, деб жавоб қилганлар. Шу сабабли у зот барчага ўрнак бўлиб, Аллоҳга яқинликни ва охират саодатини истовчилар учун намуна эдилар. Расулуллоҳнинг гўзал хулқларидан ибрат олганлар улуғ ажр ва мукофотларга эришадилар.

Чиройли хулқ – инсоний фазилатдир. Инсоннинг ҳурмат қозониши, кишилар ўртасида обрў-эътибор топишида унинг гўзал хулқ-атвори муҳим роль ўйнайди. Ширинсуханлик, мулойимлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат, кенг феъллилик каби фазилатлар ин-

сон умрини безайди. Уни ҳам Аллоҳнинг ҳузурида, ҳам бандалар олдида суюкли қилади. Ана шундай гўзал фазилатлар борасида Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам мўмин-мусулмонларга ўрнак бўлдилар. Зеро, у зот шу вазифа билан вазифалантирилган эдилар.

۵۶ – إِذَا عَمِلْتَ سَيِّئَةً فَاتَّبِعْهَا حَسَنَةً تَمْحُهَا. (رواه أحمد عن أبي ذرّ)

56. «Агар бирор ёмонликни содир этсанг, бас, унга ўчириб юборадиган бир яхшиликни эргаштир».

۵۷ – لَا طَاعَةَ لِأَحَدٍ فِي مَعْصِيَةِ اللَّهِ. (رواه أبو داود والنسائي)

57. «Аллоҳ таолога осий бўлинадиган ишда бирор кишига итоат қилинмайди».

۵۸ – اسْتَقِمْ وَلِيَحْسُنْ خَلْقُكَ لِلنَّاسِ. (رواه الطبراني والحاكم)

58. «Тўғри йўлда юр! Одамларга хулқинг чиройли бўлсин!»

۵۹ – إِنَّ الْفُحْشَ وَالتَّفَحُّشَ لَيْسَا مِنَ الْإِسْلَامِ فِي شَيْءٍ، وَإِنَّ خَيْرَ النَّاسِ إِسْلَامًا أَحْسَنَهُمْ خُلُقًا. (رواه أحمد والطبراني عن جابر بن سمرة رضي الله عنه)

**59. «Бузуқлик ва бузуқликни қасд қилиш Ислондан эмас. Одамлар ичида Исломи чиройли бўлган киши хулқи энг гўзал бўлганидир».**

**Изоҳ:** Аллоҳ таоло инсонларга чексиз неъматларни инъом қилган. Бу неъматлар ичида энг буюги, афзали, нодир бўлганларидан бири бу – тил (сўзлаш, нутқ) неъматидир. Берилган ушбу неъматни қандай ишлатиш керак, уни нималар билан машғул қилмоқ керак – бу борада ҳам кўп тавсиялар ва кўрсатмалар берилган.

Аллоҳ таоло Ар-Роҳман сурасининг 4-оятда ҳам **“Унга баённи (нутқни) таълим берди”**, деб марҳамат қилган.

Динимиз таълимотларида тил одоблари, хусусан, уни фаҳш, беҳаё сўзларга эмас, балки яхшиликка, тиловатга, зикрга, ибодатга юрт, жамият, мўмин-мусулмонлар манфаатига ишлатиш зарурлиги бод-бод такорланган.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ривоят қилади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Мўмин киши кўп сўкувчи ҳам, кўп лаънатлагувчи ҳам, фаҳш сўзларни айтувчи ҳам, одобсиз ҳам бўлмайди”**, деб марҳамат қилганлар (*Имом Термизий ривояти*).

Мазкур ҳадисдан ҳам тилни беҳаё фаҳш сўзларга ишлатмаслик лозимлиги маълум бўлади.

٦٠ - اللَّهُمَّ كَمَا حَسَّنْتَ خَلْقِي فَحَسِّنْ خُلُقِي. (رَوَاهُ أَحْمَدُ)

**60. «Аллоҳим! Яратилишимни гўзал қилганингдек хулқимни ҳам чиройли қил!»**

## ТҮРТИНЧИ БОБ

### ЁМОН ХУЛҚЛАРГА ДОИР ҲАДИСЛАР

٦١ - إِيَّاكُمْ وَالْكَذِبَ، فَإِنَّ الْكَذِبَ مُجَانِبٌ لِلْإِيمَانِ. (رواه

أحمد والبيهقي عن قيس بن أبي حازم)

61. «Ёлғондан сақланинглар! Чунки ёлғон иймондан узоқдир».

**Изоҳ:** яъни, ёлғон билан иймон иккови бир кишида жамланмайди.

٦٢ - الْمَكْرُ وَالْخَدِيعَةُ وَالْخِيَانَةُ فِي النَّارِ. (رواه أبو داود في

مراسيله)

62. “Макр, алдов ва хиёнат жаҳаннамдадир”.

٦٣ - الْحَسَدُ يُفْسِدُ الْإِيمَانَ كَمَا يُفْسِدُ الصَّبْرُ الْعَسَلَ. (رَوَاهُ

الدَّيْلَمِيُّ عَنْ مُعَاوِيَةَ بْنِ حَيْدَةَ مَرْفُوعًا)

63. «Собр (аччиқ ўсимлик) асални бузгани каби ҳасад ҳам иймонни бузади».

**Изоҳ:** “Ҳасад” сўзи луғатда “бирон кишидаги Аллоҳ берган неъмат ёки фазилатнинг завол топиб, ўзига ўтиб қолишини хоҳлаш” маъносини ифодалайди.

Ҳасад ёмон иллатдир. Унга тескари бўлган маънода араб тилида “ғибто” сўзи қўлланади. Мазкур сўз “бирон кишидаги неъматни кўриб, унинг ўзида ҳам бўлишини хоҳлаш”, “ҳавас қилиш” маъноларига эга. Ғибтода ўша неъматнинг завол топишини хоҳлаш маъноси бўлмайди. Аммо айрим уламолар ғибто ҳам худди ҳасад каби зарарли эканини, фақат зиёни ҳасаддан енгилроқлигини таъкидлашган. Жумладан, Азҳарий: “Ғибто ҳасаднинг бир туридир, бироқ ундан енгилроқ”, деган. Бу маъно “Лисонул араб” луғатида шундай тушунтирилган: “Ҳасад аслида “терисини шилмоқ”, ғибто эса “бирон нарсани текшириб билмоқ, аниқламоқ” маъноларини ифодалайди. Агар дарахт пўстлоғи шилиб олинса, у қуриб қолади. Бу ҳасаддир. Агар унинг япроғи юлиб олинадиган бўлса, илдизи қуримаса ҳам дарахтнинг ўзига зарар етади. Бу ғибтодир” (*Манба: Ибн Манзур. “Лисонул араб”, 5-жуз, 3208-бет*).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Икки кишига ҳавас қилиш мумкин: биринчиси – Аллоҳ унга Қуръон (илми)ни берган бўлиб, у кечаю кундуз уни тиловат қилиб, шу асосда иш юритади. Иккинчиси – Аллоҳ унга мол-дунё ато этган бўлиб, у ўз бойлигини кечаю кундуз инфоқ-эҳсон қилади”** (*Имом Бухорий, Имом Муслим, Термизий, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривоят қилган*).

Бу ҳадисда биз “ҳавас” деб таржима қилган сўз аслиятда “ҳасад” сўзи билан ифодаланган. Баъзан “ҳасад” калимаси ҳам “ҳавас” маъносида келади. Буни Имом Нававий “Саҳиҳи Муслим”га ёзган шарҳида

бундай тушунтирган: “Уламолар айтишади: “Ҳасад икки хил бўлади: ҳақиқий ҳасад ва мажозий ҳасад. Ҳақиқий ҳасад неъматнинг ўз соҳибидан кетишини хошлашдир. Бу ижмо ва саҳиҳ ҳадисларга кўра, ҳаромдир. Мажозий ҳасад эса ғибто (ҳавас қилиш)дир. У бирон кишидаги неъматни ўзида ҳам бўлишини исташдан иборат. Лекин бу ерда неъматнинг завол топишини хошлаш ирода қилинмайди. Агар ғибто дунёга тегишли ишлардан бўлса, мубоҳ, охират ва тоатибодат масалаларига тегишли эса, мустаҳабдир”. Ҳадисдаги “ҳасад”дан мурод ғибтодир”.

Ҳасад қилинаётган кишига берилган неъмат Аллоҳ тарафидан берилган. Унга куйишдан нима наф?! Агар инсон мана шу ҳақиқатни англаб етса, ўртадаги ўзаро жанжаллар ҳам тугаб, ҳамма бир-бири билан биродар бўлган ҳолда яшайди.

٦٤ - لَيْسَ مِنِّي ذُو حَسَدٍ وَلَا نَمِيمَةٌ وَلَا كَهَانَةٌ وَلَا أَنَا مِنْهُ.

(رواه الطبراني عن عبد الله بن بسر)

64. «Ҳасадгўй, чақимчи, коҳин (фолбин) мендан эмас. Ва мен ҳам улардан эмасман».

**Изоҳ:** Ҳадиси шарифнинг маъносига эътибор берсак, Аллоҳ таолонинг энг суюкли Пайғамбари юқоридаги уч тоифадан юз ўттирмакда, қиёмат куни мусулмонларни шафоат қилувчи зот улардан қаттиқ ғазабланмокда. Бу уч гуноҳкор тоифа Аллоҳнинг мағфиратидан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоатидан маҳрум бўлмокда. Сиз мусулмон бўла туриб,



Аллоҳнинг ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ғазабига дучор бўлишни хоҳлайсизми?!

Марҳамат, Аллоҳ таоло сизга ихтиёр бериб қўйган ҳасад қилишда, чақимчиликда ва коҳин (фолбин)лик қилишда давом этинг.

Йўқ, мен Аллоҳнинг мағфиратига муҳтожман, қиёмат кунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоатига эга бўлмоқчиман, деса, ҳозироқ ҳасад, чақимчилик, коҳин (фолбин)лик қилиб, динга ва жамиятга зарар беришни тўхтатсин. Аллоҳ таоло барчамизни бу ёмон иллатлардан узоқ қилсин.

Чақимчилик – бир инсоннинг гапини бошқа бир кишига уларнинг ўртасида адоват ва ғазаб келтириб чиқариш учун айтишдир. Чақимчилик динимизда катта гуноҳлардан ҳисобланади. Чунки чақимчилик мусулмонлар орасига, жамиятга ва қариндош-уруғчилик ришталарига раҳна солувчи иллатлардан биридир. Қуръони каримда ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Хадиси шарифларида ҳам чақимчилик катта гуноҳлардан бири экани зикр қилинади.

٦٥ - لَيْسَ مِنَّا مَنْ غَشَّ مُسْلِمًا أَوْ ضَرَّهُ أَوْ مَأْكْرَهُ. (رواه

الرَّافِعِيُّ عَنِ عَلِيٍّ)

65. «Бир мусулмонни алдаган ёки унга зарар етказган ёки унга макр-ҳийла қилган киши биздан эмасдир».

٦٦ - لَا تَلَاعَنُوا بِلَعْنَةِ اللَّهِ، وَلَا بَغْضَبِ اللَّهِ، وَلَا بِالنَّارِ.

(رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدَبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

66. «Аллоҳнинг лаънати билан ҳам, ғазаби билан ҳам, дўзахи билан ҳам бир-бирингизни лаънатламанглар!».

**Изоҳ:** Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларини гуноҳлардан, маъсиятлардан қайтариш, жирканч ишлардан ҳазар қилдириш мақсадида, айрим ишларни зикр этар эканлар, уларни қилувчиларга лаънат ва таъна тошларини ёғдирганлар. «Аллоҳ лаънатласин!» ёки “Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва жами одамларнинг лаънати бўлсин!” дея ўша ишларнинг нақадар гуноҳ ва маъсият эканлигини таъкидлаганлар.

Аслида, муайян шахсни, айниқса, мўмин-мусулмонни лаънатлаб бўлмайди. Бу мусулмонлар ижмоси ила ҳаром ва тақиқланган ишдир. Чунки лаънат – Аллоҳ таолонинг раҳматидан узоқлаштириш, бировнинг Аллоҳ таолонинг раҳматидан узоқ бўлишини истамоқликдир. Барча инсонларга Аллоҳ таолонинг ўзи раҳм қилсин, улар ҳам иймон, ҳам тақво неъмат ила ша рафлансинлар! Шунингдек, жами ҳайвонот ва набототларни ҳам асло лаънатлаб бўлмайди. Чунки Аллоҳнинг ўзи уларни раҳмат ва марҳаматига чўлғаб яратгандир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқа ҳадисда: “Мўмин кўп таъна қилувчи ҳам, кўп лаънат айтувчи ҳам, бузуқ-ифлос ишларни қилувчи ҳам эмас!”, деб айтганлар (*Аҳмад*, 1/3839).

“Лаънат қилувчилар қиёмат кунида шафоат этиладиган ҳам, гувоҳликка ўтадиган ҳам бўл-

**майдилар!”** (Муслим, 4/2598; Абу Довуд, 2/4907; Ҳоким, 1/149).

Юқоридаги ҳадиси шарифларга биноан, мўмин-мусулмонлар бир-бирларини лаънатламасдан, бунинг ўрнига доим бир-бирларига дуои хайрлар қилиб келадилар. Бу борадаги ҳадиси шарифни Абу Довуд раҳимахуллоҳ ривоят қилган бўлиб, унда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан қуйидаги хабар берилган:

“Албатта, банда бирор нарса (кимса)ни лаънатласа, лаънат осмонга кўтарилади. Унга осмон эшиклари ёпилган бўлади. Сўнг лаънат ерга туша бошлайди, ер эшиклари ҳам унга бекилган бўлади. Шунда лаънат ўнгга-чапга юра бошлайди, ҳеч қандай илож қила олмагани боис лаънат қилинган нарса (кимса)га, агар у лойиқ бўлса, боради. Агар у лойиқ бўлмаса, лаънатни айтувчига қайтиб келади” (Абу Довуд, 4/4907; Баззор, 2/4084).

٦٧ - لَا هِجْرَةَ بَعْدَ ثَلَاثٍ. (رواه أحمد)

67. «Исломда уч кундан кейин ҳам аразлашиб юриш йўқ».

**Изоҳ:** Мўмин мўминдан фақат уч кунгина аразлаши мумкин. Инсоннинг ўзига хос заифликлари ҳисобга олиниб, шу муддатда аразлашга рухсат берилган. Бундан зиёда аразлашиши ҳалол эмас. Бу эса ҳаром деганидир.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқа бир ҳадисда: «Бирор кишига ўз биродари би-

лан уч кечадан ортиқ аразлашиш мумкин эмас, ҳалол эмас, ҳаром. Икковлари учрашиб қолса, бири у ёққа, бири бу ёққа қараб, тескари бўлмасин. Икковидан яхшиси биринчи салом берганидир», - деганлар».

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу ҳадиси шарифларида мўмин-мусулмон бандалар орасига совуқчилик тушиб, аразлашиб қолганларидаги ҳолатни муолажа қилиш ҳақида сўз юритилмоқда.

Аразлашиб қолганлар кўришганда юзи ўгириб олмасдан, «Ассалому алайкум» деб биринчи ким салом берса, ўша киши яхши бўлар экан.

Бу аразлашиб қолганларни яраштиришнинг жуда бир ажойиб услубига амал қилишга тарғиб этишдир. Уришиб қолган икки киши йўлда учрашиб қолганларида тескари бурилишиб, юз ўгириб ўтиб кетишса, орадаги нифоқ икки баравар кучаяди. Тарафларнинг бири ё икковининг ичида адоват ғамирлаб, бир-бири ҳақида «тескари қараб ўтиб кетди» деган ғам-аламли норозилик намоён бўлади.

Бу иккинчи марта юз берса, адоват янаям кучайиб кетади. «Фалон жойда кўрди, кичкина бўлса ҳам менга салом бермади», деб гап кўпая боради. Шунинг учун аразлашиб қолган икки киши учрашиб қолса, шу ерда бир томон савоб умидида яхшиликни бўйнига олиб, салом бериши керак экан. Салом берган одамнинг гуноҳи тўкилади. Чунки у Аллоҳнинг амрини бажарган, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига амал қилган ҳисобланиб, аразлашганлик гуноҳидан фориғ бўлади. Нариги одам алик олса, икков-

лари ҳам бу гуноҳдан қутулади. Алик олмай кетган бўлса, гуноҳ унга бўлади. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Яхшиси биринчи бўлиб салом бергани**», деганлар. Ҳар биримиз ушбу ҳадисни яхши ўзлаштириб олишимиз керак. Ҳаётда турли ҳолатлар юзага келиб туради. Аллоҳ кўрсатмасин, мабодо биров билан аразлашиб қоладиган бўлсак, араздан кейинги биринчи учрашувдаёқ ярашиб кетишга одатланишимиз керак. Албатта, бу иш араздан уч кун ўтмасдан олдин юз бериши лозим.

٦٨ - مَنْ هَجَرَ أَخَاهُ سَنَةً، فَهُوَ كَسَفِكَ دَمِهِ. (رواه أحمد وأبو داود عن أبي خراش السلمي)

68. «Ким ўз биродари билан бир йил аразлашиб юрган бўлса, бу унинг қонини тўккан билан баравардир».

**Изоҳ:** Бир мусулмон ўзининг дин қардоши ила бир йил гаплашмай юриши жуда оғир гуноҳ. Шунинг учун узоқ муддат биров билан қасддан, аразлаб, алоқани узиб юриш мўмин-мусулмон одамга тўғри келмайди.

Мўмин киши шариатда ҳаром бўлган нарсани қилиши мумкин эмас.

Бир йилгача ярашмай аразлаб юриш эса, билиб туриб ҳаром ишда бардавом бўлиш демақдир. Бу ишда эҳтиёт бўлиш керак ва аразлашган одам билан тезроқ ярашиш чораларини ахтариш ва амалга ошириш лозим.

٦٩ - مَنْ رَمَى مُؤْمِنًا بِكُفْرٍ فَهُوَ كَفَرْتَهُ. (رواه الطبراني عن هِشَامِ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

69. «Кимки бир мўминни сен кофирсан, деб айбласа, уни ўлдирган кабидир».

**Изоҳ:** Демак, бир одамни кофирсан, деб айтса, уни ўлдирган каби гуноҳ содир қилган бўлар экан. Бир киши бошқа бирини кофир деса, бироқ бу сўз айтилган киши мўмин-мусулмон бўлса, кофир бўлмаса, куфр уни кофир деган одамнинг ўзига қайтади.

Шунинг учун бировни кофир дейишдан ниҳоятда сақланиш керак. Бир киши мўмин-мусулмонман, деб, Калимаи шаҳодатни айтиб, мусулмонларга тақозо бўлган ишларни қилиб турган бўлса, у кишини зоҳирдан мусулмон деб турилаверади. Уни кофир дейилса, лекин аслида кофир бўлмаса, уни кофир деган одамнинг ўзи кофир бўлиб қолиш хавфи бор. Шунинг учун зинҳор бировни кофир дейишга шошилмаслик керак, умуман, бу сўзни айтмаслик керак.

Куфр нисбатини бериш ниҳоятда оғир иш, ундан доим эҳтиёт бўлиш лозим.

٧٠ - سَبَابُ الْمُسْلِمِ فُسُوقٌ وَقِتَالُهُ كُفْرٌ. (مُتَمَقُّ عَلَيْهِ)

70. «Мусулмонни сўкиш фосиқлик, унинг билан уришиш кофирликдир».

**Изоҳ:** Ким бўлишидан қатъи назар, мўмин-мусулмон одамни сўкиб бўлмайди. Бу номаъқул иш шарият ҳукмига кўра, фосиқлик ҳисобланади.

Фосиқлик – диннинг чегарасидан чиқишдир. Аслида, араб тилида ерга кўмилган данак ёрилиб, ўсиб чиқса, «фасақа» дейилади. Худди шу каби шариат мўмин-мусулмонларни кўпгина аҳкомлар билан ўраб қўйган. Кимки шариатнинг мана шу чегарасидан чиқса, фосиқ бўлади. Мусулмон кишини сўкиш ана шу фиқс ишлардан биридир.

Сўкиш ёмон одат эканини билиб олдик, ундан ўтиб, уришиб кетиш бундан ҳам ёмондир. Сўкиш фиқс бўлса, уришиш куфрдир, Аллоҳ Ўзи сақласин. Бундан жуда эҳтиёт бўлиш лозим. Фиқс диндан чиқишнинг бошланиши бўлиб, тавба қилмасдан, ўша гуноҳни давом эттирганлар диндан чиқади. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда сўкиш фиқс, уруш эса куфр дейилмоқда. Чунки фиқс куфрга олиб борганидек, сўкиш ҳам урушга олиб боради.

۷۱ – خَيْرُ الْمُسْلِمِينَ مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ.

(رواه مسلم عن ابن عمرو)

**71. «Мусулмонларнинг яхшиси мусулмонлар унинг тили ва қўлидан омонда бўлган кишидир».**

**Изоҳ:** Тилнинг зарари улкан бўлиб, хатарининг кўлами эса жуда катта саналади. Тил зарарли йиртқич ҳайвон, чақувчи илон ҳамда алангаланувчи оловдир. Тилингиз ила киши айбини гапирмангки, сизнинг ҳам барча жойингиз айб, камчиликдан иборатдир. Инсонларнинг ҳам улар ҳақида гапирадиган тиллари бордир-ку. Мана Ибн Аббос розияллоху анҳу ҳам тил-

ларига хитобан бундай дердилар: “Эй тил, яхшиликни гапир, фойда топасан ёхуд ёмонликдан сукут сақла, омонда қоласан”.

Тилда сиз унга ҳукмронлик қилмаганингиз оқибатида ўнлаб касаллик келиб чиқади. 1. Ёлғон гапириш. 2. Гийбат қилиш. 3. Чақимчилик қилиш. 4. Ахлоқсиз сўзларни гапириш. 5. Сўқиниш. 6. Уятсиз гапларни гапириш. 7. Алдаш. 8. Лаънатлаш. 9. Масхара қилиш. 10. Истеҳзо қилиш ва ҳоказо...

Баъзи сўзлар борки, ўз соҳибининг жаҳаннамга юз тубан қулашига сабабчи бўлади. Албатта, бундай сўзларнинг эгалари тилларига эрк бериб, унинг тизгинини, жиловини шундай бўш қўйган инсонлардир.

Тил яхшилик эшигига йўл бўлганидек, ёмонликка ҳам худди шундай йўлдир.

Тиллари ила Аллоҳ таолони зикр қиладиган, Ул зотга истиғфор айтиб, ҳамду сано тилайдиган ҳамда тасбеҳлар айтиб, шукр қиладиган, шунингдек, тавба қиладиган кишилар қандай ҳам кўзнинг қувончидирлар! Аксинча, тиллари ила инсонларнинг обрўларини поймол этадиган, ҳурматларини тўкадиган ҳамда қадру қийматларини ерга урадиган инсонлар албатта бу дунёда ҳам, охиратда ҳам зиён чекувчилардир.

۷۲ – كَفَى بِالْمَرْءِ إِثْمًا أَنْ يُحَدِّثَ بِكُلِّ مَا سَمِعَ. (رواه مسلم

وأبو داود عن أبي هريرة)

72. «Ҳар бир эшитган нарсани гапиравериш кишининг гуноҳкор эканига кифоя қилади».



Изоҳ: Инсон ўзи аниқ билмаган ва ишонч ҳосил қилмаган нарса кетидан тушиб, аниқ эшитмаган, аниқ кўрмаган нарсаларни гапириш, тарқатиш хайрли иш эмас.

Қуръони каримнинг Исро сураси, 36-оятида Аллоҳ таоло: — “(Эй инсон!) **Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур** (жавоб берур)” – деб таъкидлаган.

Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳу:

«Фаҳш гапни айтган одам ҳам, уни бошқа ёққа тарқатувчи одам ҳам бир хил гуноҳкор бўлади», деганлар.

Бир одам асли йўқ жойдаги бир фаҳш гапни айтиб, чиқариб қандай гуноҳкор бўлса, бу гапни тарқатган, мўмин-мусулмонларнинг орасида шу гапнинг тарқалишига сабаб бўлган одам ҳам худди шундай гуноҳкор бўлар экан.

۷۳ – اتَّقُوا دَعْوَةَ الْمَظْلُومِ، وَإِنَّ كَانَ كَافِرًا، فَإِنَّهُ لَيْسَ ذُوئِهَا حِجَابٌ. (رواه أحمد عن أنس)

73. “Гарчи кофир бўлса ҳам, мазлумнинг дуосидан сақланинглар! Зеро, унинг ортида тўсиқ йўқ”.

**Изоҳ:** Мазлум кофир, фожир ва гуноҳкор бўлса ҳам, унинг золим зарарига қилган дуосидан ҳазир бўлиш керак. Шунинг учун ирқи, эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, бирон кишига зулм қилмаслик шарт.

۷۴ – إِذَا غَضِبَ أَحَدُكُمْ فَلْيَسْكُتْ. (أَحْمَدُ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ)

#### 74. Агар сизлардан бирингизнинг ғазаби келса, сукут қилсин!

**Изоҳ:** «Ғазаб» луғатда розиликнинг тескарисидир. Аслида, ғазаб шиддат ва қувват маъноларини англатади. Араблар қаттиқ харсангни «ғазба» дейишади. Ғазаб ҳам шундан олинган. Зотан, у қаттиқ жаҳл чиқишини англатади.

Имом Ғаззолий: «Ғазаб қалб қонининг интиқом талабида ғалаён қилишидир», деган.

Инсонларнинг кўп ҳолатларда ноқулай вазиятга тушиб қолишига сабаб бўладиган маънавий касалликлардан бири кераксиз ўринларда ғазаб қилишдир. Халқимиз: “Жаҳл келса, ақл кетади”, деб бежиз айтмаган. Ҳаётда ғазабланиш ортидан ота-она, ёру дўстларнинг хафа қилиниши, ҳатто оилалар бузилиб кетаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғазабни қуйидагича таърифлаганлар: «**Ғазаб у шайтон одам боласи қалбига отадиган тошдир. Бунинг натижасида қалб жунбушга келиб, қайнайди**».

Дарҳақиқат, ғазабланган кишини кузатсангиз, кўрасизки, юзи қизаради ва қон томирлари бўртиб чиқади. Динимиз ҳам кераксиз ғазабланишдан қайтарган. Жумладан, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бир-бирига яқин маънони ифода этувчи, ғазабланишдан қайтарувчи кўплаб ҳадислар ривоят қилинган. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Менга васият қилинг”, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Ғазаб**

**қилмагин**”, дедилар. Васият қилишни сўраган киши сўзини бир неча мартаба такрорлади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамма сўровларига: **“Ғазаб қилма”**, деб жавоб бердилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир кишининг ҳолатига қараб насиҳат қилганлар. Яъни, келган киши ғазаби тез инсон бўлган. Васият қилишни сўраб келган саҳобийни кўпчилик ровийлар кимлигини айтмаганлар. Лекин Имом Бухорий ўзларининг “Саҳиҳ тўплам”ларида у кишини исми Жория ибн Қудома деб айтганлар.

Ҳадиси шарифларда ғазабни даволовчи кўрсатмалар қуйидагилар:

Абу Зарр Ғиффорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Сизлардан кимда-ким ғазабланса, тик турган бўлса, ўтириб олсин, ғазаби кетса кетади, бўлмаса, ёнбошласин”**, дедилар”. Чунки инсон ташқи ҳолатини ўзгартирса, ички ҳолатига ҳам таъсир қилади.

Атийя Саъдий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Албатта, ғазаб шайтондандир. Шайтон эса оловдан яратилгандир. Олов сув билан ўчирилади. Кимнинг ғазаби келса, таҳорат қилиб олсин”, дедилар. Албатта, мазкур ва шунга ўхшаш чоралар ғазабни қайтариш учун ёрдамчи воситалардир. Ғазабнинг асосий чораси эса Аллоҳга бўлган иймон, қиёматдан умидворликдир. Ғазаби чиққан одам дарҳол Аллоҳ таолони, У Зот ҳар бир нарсани кўриб-билиб турганини ва ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилишини эслаши зарур. Ғазабни тарк қилишдан мақсад унинг сабаблари ва ғазабга олиб борадиган ишлардан

сақланишдир. Ким Аллоҳ розилиги учун бир ёмонликни тарк этса, Аллоҳ таоло ўрнига бир яхшиликни беради. Ғазабни тарк қилса, ҳалимликни адо этади.

۷۵ – مَنْ انْتَهَبَ فَلَيْسَ مِنَّا. (رواه الترمذي عن أنس)

**75. «Кимки талон-торож ва босқинчилик қилса, биздан эмас».**

**Изоҳ:** Аллоҳ таоло инсониятни яратгач, унга Ер юзида ҳалол ризқни талаб қилишни амр этиб, бунинг акси бўлмиш ҳаромдан ҳазар қилишга буюрган ҳолда, ҳалол ва ҳаромнинг фарқини кўрсатиб қўйди. Ҳалол ризқни талаб қилишда бировнинг ҳақидан ҳазар этиш, ўзгаларнинг молини ноҳақ йўллар билан олиш сингарилардан эҳтиёт бўлиш ҳам муҳимдир. Зеро, Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 29-оятида: **“Эй иймон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз! Ўзаро розилик асосидаги тижорат бўлса, у бундан мустасно”**, дея марҳамат қилади. Уламоларимиз фатволарида бировларнинг молларини ботил йўл билан емаслик ва бошқаларнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик сирасида бир қанча тоифалар зикр этилган. Жумладан бунга: хоинлар, алдовчилар, ўғрилар, фоиз олувчи ва берувчи судхўрлар, етимлар молига хиёнат қилувчилар, ёлғон гувоҳлик берувчилар, қарзга бир нарса олиб, ундан тонувчилар, порахўрлар, ўлчов ва тарозидан уриб қолувчилар, молининг айбини яшириб сотувчилар, қиморбозлар, сеҳргарлар, мунажжимлар, фоҳишалар, сотувчидан сўрамасдан ҳақини олиб қолувчи даллоллар, хур, озод одамни сотиб пули-

ни ейдиганлар, нархларни сунъий равишда кўтарувчилар, товламачилар, фирибгарлар киради, дейилган.

Бировнинг молини ноҳақ йўллар билан ейиш икки турли бўлади. Аввалгиси зулм орқали амалга оширилади: бунга зўравонлик билан тортиб олиш, хиёнат қилиш, ўғрилик, талончилик билан ейиш кирса, иккинчи тури ҳазил-ўйин орқали бўлиб, бунга қимор сингари турли бекорчи эрмаклар киради.

Зулм – Аллоҳ таоло белгилаб қўйган чегарадан чиқишдир. Унинг тури ҳар хил бўлиши мумкин. Биринчиси – инсон ўзига зулм қилишидир. Инсон гуноҳга қўл уриш билан ўзига зулм қилади. Ҳар бир гуноҳи сабаб ўзини жаннатдан бир қадам узоқлаштиради. Мана бу – энг катта зулмдир. Кейингиси, бошқаларга нисбатан қилинган зулм: ўғрилик, бировнинг устидан ноҳақ ҳукм чиқариш, инсоннинг мулкани тортиб олиш ва шу каби ишлар. Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадисда бировларнинг мол-мулкани талон-торож қилиш ва зулм билан тортиб олиш каби ишларга қўл урганларни биздан эмас, деб ўзларидан йироқ қилмоқдалар.

۷۶ – إِنَّ اللَّهَ يَبْغِضُ الْفَاحِشَ الْمُتَفَحِّشَ. (رواه أحمد والطبراني وابن حبان عن أسامة بن زيد)

**76. «Аллоҳ фаҳш сўзловчини, фаҳш сўзлашга уринувчини севмайди».**

**Изоҳ:** Аллоҳ таоло фаҳш сўз айтувчиларни, фаҳш, уят, шарм-ҳаёсиз иш қилувчиларни, бозорларда бақир-чақир қилувчиларни севмайди, ёқтирмайди.

Аллоҳ таоло уят сўзлар, шарм-хаёсиз сўзлар айтилишини, ана шундай амаллар қилинишини хуш кўрмайди.

Шунинг учун мўмин одам фаҳш сўз ва амаллардан, бозорларда бақир-чақир қилишдан ўзини ниҳоятда сақлаши керак.

«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна: **«Мўмин таҳқирловчи, лаънатловчи, фаҳш сўзловчи ва сўконғич бўлмайди»**, деганлар».

Фаҳш ва уятсизлик кўпроқ уят гапларни очиқ-ойдин айтиш билан бўлади. Одатда, бу жинсий алоқага оид гапларни шармсизлик ила гапириш орқали юзага чиқади. Аҳли солиҳ кишилар ундай ибораларни ишлатмайдилар.

Сўқиш ва ачитиб гапиришни жамлаб ифодаловчи сўз араб тилида «базоъа» дейилади. У рост бўлса ҳам, тилда аччиқ ва бешарм равишда ифодаланган гапдир.

Уламолар уни қуйидагича таърифлайдилар:

Ғаззолий: «У – қабих саналган нарсани очиқ-ойдин сўзлар билан ифодалашдир», деган.

Муновий: «У – калом рост бўлса ҳам, нутқдаги фаҳш ва қабихликдир», деган.

Мўмин киши одамларни таҳқирламайди, ҳаммага лаънат айтавермайди, фаҳш сўз ва ишлардан, сўконғичлик ҳамда аччиқсўзликдан йироқ туради.

Бу ҳар бир мўминга лозим бўлган сифатлар экан, мазкур амалларни қилишдан ўзимизни сақлашимиз керак.

۷۷ – إِنَّ شَرَّ النَّاسِ مَنْزِلَةً عِنْدَ اللَّهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، مَنْ يَخَافُ

النَّاسُ شَرَّهُ. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ)

77. «Қиёмат кунда Аллоҳ ҳузурида одамларнинг энг ёмон даражалиси дунёда одамлар унинг ёмонлигидан нотинч бўлган кишидир».

۷۸ – مَنْ أَحَبَّ أَنْ يَتَمَثَلَ لَهُ الرَّجَالُ بَيْنَ يَدَيْهِ قِيَامًا فَلْيَتَبَوَّأْ مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ. (أَخْرَجَهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ)

78. «Ким одамлар уни кутиб олишганида ҳурмат юзасидан тик туришларини яхши кўрса, жойини дўзахдан тайёрлаб қўяверсин!»

۷۹ – الْبَلَاءُ مُوَكَّلٌ بِالْمَنْطِقِ. (رَوَاهُ الْقِضَاعِيُّ عَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

79. «Бало оғиздан чиққан сўзга боғлиқ қилиб қўйилгандир».

**Изоҳ:** Одамнинг бошига ҳар қандай бало келса, тили орқали гапирган сўзи сабабли бўлади.

Изоҳ: Тил Аллоҳнинг неъматини, ажибу латиф санъатидир. Тил инсонни улуғ даражаларга эриштиради, ёки хорлик тубига қулатади. Аллоҳнинг зикри ва фойдали яхши сўзлар икки дунё азизлигига сабаб бўлса, ғийбату бўхтон, тухмату беҳуда ва ҳақоратомуз сўзлар хорликка сабабдир. Кимки тилининг жиловини бўш қўйса, шайтон унинг тил тизгинини қўлга олади. Натижада тил офатига учраб, халқ олдида бербурд, Ҳақ олдида эса манзили жаҳаннам бўлади.

Ақба ибн Амр: “Нажот нимада, ё Расулуллоҳ?” деб сўрадим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Тилингни тий, уйингни кенг қил ва хатоларинг учун йиғла”, деб жавоб бердилар.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳи: “Тилини тиймаган кишининг дини мустаҳкам эмас”, дейди.

Тилнинг офатлари жуда ҳам кўплигидан тилни тийишга бўлган буйруқлар ҳам кўплаб келтирилган. Булар: Ёлғон, ғийбат, туҳмат, чақимчилик, ваъдага бевафолик, ичиқоралик, ҳасад, ҳақоратомуз сўзлар, ёлғон гувоҳлик бериш, фойдасиз гаплардир.

Бир ҳаким: “Оғиз ичидаги тил, қин ичида яширинган қиличдир”, деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Абу Зар, сенга баданингга енгил, мезонда оғир амални ўргатайми?” – дейдилар. “Ҳа, ўргатсинлар” дедим. “Бу жим юриш, гўзал хулқ ва беҳуда гаплардан тийилишдир” – дедилар.

Бу ҳадислардан, тилини тия олмаганларга аламли азоблар борлиги маълум бўлмоқда, шундай экан, бу жирканч амалдан сақланайлик.

٨٠ - اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْهَمِّ وَالْحَزَنِ، وَالْعَجْزِ وَالْكَسَلِ،  
وَالْبُخْلِ، وَالْجُبْنِ، وَضَلَعِ الدِّينِ، وَغَلْبَةِ الرَّجَالِ. (متفق عليه)

80. «Аллоҳим! Сенинг номинг билан қайғу-ҳасратдан, хафаликдан, ожизлик ва ялқовликдан, бахиллик ва кўрқоқликдан, қарзнинг оғирлигидан ва ноҳақ одамларнинг ғолиб бўлишидан ўз паноҳингда сақлашингни сўрайман».

**Изоҳ:** Бу ҳам машҳур набавий дуолардан. Муслмон одам бу каби дуоларни доим ўқиб юришга одатланмоғи лозим.



## БЕШИНЧИ БОБ

### ЧИРОЙЛИ МУОМАЛА ВА ЎЗАРО ДЎСТ БЎЛИШГА ОИД ҲАДИСЛАР

۸۱ - خَيْرُ النَّاسِ أَنْفَعُهُمْ لِلنَّاسِ. (رواه القُضَاعِي عَنْ جَابِر)

81. «Одамларнинг яхшиси одамларга манфаатли бўлганидир».

**Изоҳ:** Одамларга фойда етказиш яхшилик қилишнинг асоси, худбинлик ва зикналиқдан қутулишнинг бош чорасидир. Ислол дини ҳам ана шу юксак фазилатга чорлайди, инсонларни бахиллик иллатидан тозалаш, жамият қатламлари орасида мустаҳкам кўприклар барпо этиш, ўзаро яқдилликни пайдо қилиш, меҳр-муҳаббатни шакллантириш учун мўминларни бошқаларга фойда етказишга ундаб, шундай фазилатлар асосида тарбиялайди. Ҳаттоки одамларга наф етказишни бошқалардан устун бўлишнинг меъёрларидан бири этиб белгилайди. Аллоҳ таоло бандаларига турли қобилиятлар ато этиб, уларнинг куч ва имкониятларини ҳам турли-туман қилган. Аллоҳ таолонинг энг катта миннати энг кўп неъмат ато этилган бандаларига тушади. У зот бу неъматларни банданинг иймони, сабри ва шукри учун синов қилиб қўйди. Одамларга фойда етказиш эса ана шу шукрнинг бош кўринишларидан ва неъматнинг зиёда бўлиши омилларидан бири сифатида хизмат қилади.

Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийя бундай деганлар: “Эй одамлар, билинги, одамларнинг сизларга иши тушиб, муҳтож бўлиши Аллоҳ таолонинг сизларга ато этган неъматларидир. Бу неъматларни малол олмангизки, интиқомга эврилмасин! Яна билинги, энг яхши бойлик охиратга захира бўлган, ортидан яхши ном ила эсланишга хизмат этган ва ажрни вожиб қилганидир. Агар яхшилиқни одам суратида кўргангизда унинг кўркеми, чиройли ва бутун олам гўзаллигидан устун эканига ишонч ҳосил қилган бўлардингиз”.

Одамларга фойда етказиш энг улўғ солиқ амаллардандирки, унинг ажри Аллоҳ таолонинг ҳузурида фақат банданинг ўзига наф берадиган нафл ибодатдан афзалдир. Одамларга фойда етказиш инсон руҳини чулғаб, уни бахтиёр этадиган шу дунёдаги жаннатдир.

Одамларга фойда келтириш орқали абадий ажрларга эришиш билан биргалиқда яхши ном қолдиришга ҳам муваффақ бўлинади. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Одамларга фойда берадиган нарса эса ер юзида қолур”** (*Раъд сураси, 17-оят*).

Зухайр ибн Хаббоб раҳматуллоҳи алайҳ фарзандларига васият қилиб бундай деди: “Болаларим, яхши ишлар қилинги, одамлар қалбидан дўстлик ила жой олинги. Шундайлар ҳам бўладикки, молу дунёсидан мосуво бўлади, лекин шу билан кун кўриб, ҳатто бола-чақасига ҳам қолади”.

Одамларга ёрдам бериш орқали уларнинг муҳаббати қозонилади, диллардаги ғашликлар арийди. Муҳаллаб ибн Абу Суфра бундай дейди: “Қулларни

пулга сотиб оладиганлар қизиқ одамлар, нега яхшиликлари ила озод одамларни “сотиб олишмайди”?!”

Банданинг одамларга ёрдами давом этгани миқдорича Аллоҳнинг бандасига ҳам ёрдами ризқи рўз, нусрат билан бардавом бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Банда то биродарининг кўмагида бўлар экан, Аллоҳ банданинг кўмагида бўлади”** (Имом Муслим ривояти).

Одамларга наф келтириш хору зорлик ва ҳалокатдан тўсиқ ҳамда гўзал хотимага эришмоқ йўлидир. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилиб, дедилар: **“Яхшилик қилиш ёмон ўлим топишдан сақлар”** (Имом Табароний ривоят қилиб, Термизий уни Ҳасан деган).

۸۲ – أَحَبُّ لِلنَّاسِ مَا تُحِبُّ لِنَفْسِكَ. (رواه الطبراني والبيهقي والحاكم)

82. «Ўзинг учун раво кўрган нарсани бошқа кишилар учун ҳам раво кўр!»

۸۳ – الْعَبْدُ مَعَ مَنْ أَحَبَّ. (رواه أحمد والطبراني)

83. «Банда (қиёмат куни) ўзининг яхши кўрган кишиси билан биргадир».

۸۴ – مَنْ أَحَبَّ قَوْمًا حَشَرَهُ اللَّهُ فِي زُمْرَتِهِمْ. (رواه الطبراني)

84. «Ким бир қавмни яхши кўрса, Аллоҳ (қиёмат куни) уни ўша қавм ичида тирилтиради».

٨٥ - مُدَارَاةُ النَّاسِ صَدَقَةٌ. (رواه ابن حبان والطبراني)

**85. «Одамлар билан муроса қилиш садақадир».**

**Изоҳ:** Кишилиқ жамиятида яшашга маҳкум экансиз, хоҳлайсизми-йўқми, барибир ҳар куни ўнлаб турфа хил одамлар билан тўқнашишга, алоқа ўрнатишга, мулоқотга киришишга, олди-берди қилишга тўғри келади. Улар яхши ва ёмон, софдил ва ғирром, ҳақиқатгўй ва алдамчи, оқил ва аҳмоқ, ҳалим ва серғазаб, улфат ва ғаним бўлишади.

Сиз кимларгадир яхшилиқ қилмоқчи бўласиз, аммо ундан душманлик кўрасиз. Сиз кимдандир ўпкаланиб юрибсиз, аммо у сизга қутилмаганда содиқлик кўрсатади. Баъзида олтин деганингиз жез экан, муттаҳам деб ўйлаганингиз мутлақо олийжаноб инсон бўлиб чиқади, ёрдам кутганингиз аро йўлда ташлаб кетади. Дунёдаги одамлар ана шундай турфа хил қилиб яратилганининг сиз билан биз билмайдиган сирлари, илоҳий ҳикматлари бор. Вазифа эса ҳамма билан муроса қилиш, ҳар бир инсоннинг қалбига йўл топа олиш, ёвузлик кўрсатганга эзгулик билан жавоб қайтаришдан иборат.

Одамлар билан муносабатларда сиз ҳамиша муроса йўлини тутинг, ҳар бир ноқулай ҳолатдан чиқиб кетиш йўсинини қидиринг, ёмонликни эзгу мақсад сари буриб юборинг, ҳалимлик ва тавозелик каби хислатларни намойиш қилинг. Кимдир сизга душманлик қилса, сиз унга ёрдамга шайланинг. Кимдир ғийбат қилса, сиз унга муҳаббатингизни билдиринг. Сўкканга қучоғингизни очинг. Шу йўл билан сиз уларнинг хусу-

мат қиличларини синдирасиз, ғазаб оловларини ўчирасиз, қалбларидаги нафрат музларини эритиб юборасиз, қазиган чоҳларини ўзларига кўмдирасиз.

۸۶ – أَنْزِلُوا النَّاسَ مَنَازِهِمْ. (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ)

86. «(Ҳар бир кишини даражасига қараб, ҳурмат юзасидан) ўзига муносиб жойга ўтқазинглар».

۸۷ – زُرْ غَيْبًا تَزِدُّ حُبًّا. (رواه الطبراني والبخاري)

87. «(Қариндош ва дўстларингни) кам-кам зиёрат қил, муҳаббат ортади».

**Изоҳ:** Ҳар кун зиёрат қилиб кўришилаверса, кўнгил қайтиб, муҳаббат камайишни бошлайди.

۸۸ – أَوْصِيكُمْ بِالْجَارِ. (رواه الطبراني عن أبي أمامة)

88. «Сизларга қўшнилариингиз билан яхши муносабатда бўлишингизни васият қиламан».

**Изоҳ:** Қўшни ҳақлари тўғрисида сўраган саҳобага Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Касал бўлса, бориб кўр, вафот этса, жанозасида қатнаш, қарз сўраса, бер, қийин аҳволда бўлса, ёрдам қил. Бошига мусибат тушса, тасалли бер, уйинг томини баланд кўтариб, унга етиб турадиган шамол ва шабададан тўсма, пиширган нарсангдан унга ҳам чиқар!” деганлар.

Шариатимизда қўшни уч хил бўлади: учта ҳақи бўлган қўшни, иккита ҳақи бўлган қўшни ва битта ҳақи

бўлган қўшни. Учта ҳақи бўлган қўшни – ҳам қариндош, ҳам мусулмон қўшнидир. Унинг қариндошлиги туфайли бир ҳақи, мусулмонлиги туфайли иккинчи ҳақи ва қўшничилиги сабаб учинчи ҳақи бор. Иккита ҳақи бўлган қўшни – қариндош бўлмаган мусулмон қўшни. Унинг мусулмонлиги туфайли бир ҳақи, қўшничилиги сабаб иккинчи ҳақи бор. Мусулмон бўлмаган қўшнида фақат битта – қўшничилик ҳақи бор.

Ислом таълимотида қўшни ҳақи тўртта қоида билан ифодаланади: қўшнисига озор етказмаслик; қўшнисига ёмонлик етадиган бўлса, ҳимоя қилиш; яхши муомалада бўлиш; қўшнидан етадиган азиятларга сабрли бўлиш, ҳалимлик билан кечириш.

Жумладан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

**«Жаброил алайҳиссалом қўшни тўғрисида шунчалик кўп васият қилдиларки, мен ҳатто қўшни ҳам меросхўр қилинармикин, деб гумон қилдим».**

Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Эй Абу Зар, агар шўрва пиширсанг, унинг сувини кўпайтириб, қўшнилариңдан ҳам хабар олгин», дедилар. *(Имом Муслим ривояти)*

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

**«Қўшни қўшнисининг деворига мих қоқишдан ман қилмасин»,** дедилар.

Уламолар айтишларича, агар ёш болаларга бирон нарса олиб келинса, иложи бўлса, қўшнининг болала-

рига ҳам қўшиб олиб келиш керак. Имкони бўлмаса, ўша нарсани қўшни болалар олдида кўз-кўз қилиб кўтариб кирмаслик керак.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Аллоҳга қасамки, мўмин эмас! Аллоҳга қасамки, мўмин эмас! Аллоҳга қасамки, мўмин эмас!**» деганларида, саҳобалар томонидан «Ким у, ё Аллоҳнинг Расули?» дейилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ёмонликларидан қўшниси омонда бўлмаган киши**», дедилар (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Халқимизда “Уй олма, қўшни ол” деган ажойиб нақл бор. Бу сўзларнинг замирида жуда катта ҳикмат мужассам. Чунки инсоннинг бошига турли қийинчиликлар тушганда биринчи ёрдам кўрсатадиган ён қўшнилари миз бўлади.

۸۹ – لَيْسَ الْمُؤْمِنُ الَّذِي لَا يَأْمَنُ جَارَهُ بَوَائِقَهُ. (رواه الطبراني)

89. «Қўшниси унинг ёмонлигидан омонда бўлмаган киши ҳақиқий мўмин эмас».

۹۰ – إِنَّ الْمُتَحَايِينَ فِي اللَّهِ فِي ظِلِّ الْعَرْشِ. (رواه الطبراني)

90. «Аллоҳ йўлида бир-бирини яхши кўриб дўстлашганлар (қиёмат куни) Аршнинг соясида бўладилар».

Изоҳ: Аллоҳ таоло бундай деган: “У кунда тақводорлардан ўзга дўстлар бир-бирларига душман-

**дирлар”** (Зухруф сураси, 67-оят). Аллоҳ йўлида дўст бўлиш учун динимизда кўрсатилган дўстлик шартларига риоя қилиш лозим бўлади. Жумладан, ўзига яхши кўрган нарсани дўстига ҳам яхши кўриш, ўзига ёмон кўрган нарсани дўстига ҳам ёмон кўриш, дўстини ҳимоя этиш, обрўсини сақлаш, унга насиҳат қилиш, ёрдам бериш ва шу каби бошқа ҳақларига ҳам риоя қилишдир.

۹۱ – أَفْضَلُ الْأَعْمَالِ بَعْدَ الْإِيمَانِ بِاللَّهِ التَّوَدُّدُ إِلَى النَّاسِ.  
(رواه الطبراني)

91. «Аллоҳга иймон келтиргандан кейинги амалларнинг энг афзали одамлар билан дўстона муносабатда бўлишдир».

۹۲ – أَفْشُوا السَّلَامَ بَيْنَكُمْ مَحَابُّوا. (رَوَاهُ الْحَاكِمُ)

92. «Ораларингизда саломни ёйинглар, шунда бир-бирингизга муҳаббатли бўласизлар».

**Изоҳ:** Салом беришнинг ҳам ўзига яраша одоблари бор, бу одобни ҳам бизларга энг яхши устоз, буюк муаллим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам таълим бериб кетганлар. Уламои киромларимиз фарзандларга тўғри салом беришни ўргатиш отананинг фарзандлари устидаги ҳақларидан саналади, дейдилар.

Салом бериш тартиби шуки, уловда кетаётган одам пиёдага, юриб кетаётган киши ўтирган одамга,



кичик ёшдаги киши ёши катталарга, озчилик кўпчиликка салом беради. Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

**«Кичик каттага, юрган ўтирганга, озчилик кўпчиликка салом беради»**, дедилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Яна бир ҳадиси шарифларида:

**«Уловдаги киши пиёдага, юриб кетаётган киши ўтирганга, озчилик кўпчиликка салом беради»**, деб айтдилар (*Имом Муслим ривояти*).

Имом Муҳаллаб бу ҳадиснинг ҳикматини қуйидагича шарҳлаганлар: чунки пиёда юрувчи одам кирувчи кишига ўхшайди, шунинг учун саломни аввал бериши аълороқ. Кичик одам катталарни ҳурмат қилиб, уларга нисбатан тавозели бўлишга буюрилган. Суворий киши ўша миниб олган нарсасига фахрланиб, кибрланиб кетмаслиги учун саломни аввал беради. Озчилик кўпчиликка салом беришига сабаб эса, кўпчиликнинг ҳақи озчиликка қараганда кўпроқдир. Исломда мана шу тарзда салом бериш маҳбуб саналади.

Мусулмон одам гапни салом беришдан бошлаши лозим. Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

**«Гапиришни саломдан бошланг. Салом бермаган ҳеч бир кимсани тоам ейишга таклиф қилманг»**, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Ҳеч ким йўқ жойга кирсак ҳам, ўз уйимизга кирсак ҳам салом билан киришимиз лозим, чунки салом билан бирга уйларимизга барака, хайр киради.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Анас ибн Молик розияллоҳу анҳуга насиҳат қилиб:

«Эй ўғлим, қачонки уйингга кириб борсанг, аҳли оилангга салом бериб киргин. Шунда сенга ҳам, аҳли оилангга ҳам барака бўлади», дедилар (Имом Термизий ривояти).

Уйга салом бериб киришдан осон иш йўқ, бироқ, афсуски, айримлар уйига сўкиниб, бақир-чақир қилиб кириб келади, ўзини ҳам, аҳлини ҳам, қўни-қўшнилари ҳам безовта қилади, бездиради, кўнглини бузади.

۹۳ - رَدُّ جَوَابِ الْكِتَابِ حَقٌّ كَرَدِ السَّلَامِ. (رواه أبو نعيم)

93. «Мактубга жавоб ёзиш саломга алик қайтариш каби мажбуриятдир».

۹۴ - إِنَّ اللَّهَ يَبْغِضُ الْمُعْبَسَ فِي وُجُوهِ إِخْوَانِهِ. (رَوَى الدَّيْلَمِيُّ

فِي مُسْنَدِ الْفِرْدَوْسِ)

94. «Биродарларининг қаршисида пешонасини тириштириб, қовоғини солиб турувчи кишидан Аллоҳ ғазабланади».

۹۵ - إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يُحِبُّ إِغَاثَةَ اللَّهْفَانِ. (رواه ابن عساكر)

95. «Ночор аҳволга тушиб қолган кишиларга ёрдам бергани албатта Аллоҳ таоло яхши кўради».

۹۶ - بِئْسَ الْقَوْمُ قَوْمٌ لَا يَنْزِلُونَ الضَّيْفَ. (رواه البيهقي)

## 96. «Мехмонга мезбонлик қилмаган қавм мунча ҳам ёмон қавмдир».

**Изоҳ:** Мехмон мезбон кўрсатган ўринга ўтиради. Борди-ю, мехмон ўзбошимчалик билан жой танласа, эҳтимол, мезбоннинг аҳли аёли кўринадиган жойга ўтириб қолиши мумкин. Бу эса мезбонга азият етказди. Агар зиёфатда ёши улуғ одамлар ҳам ўтиришган бўлса, улардан аввал таомга қўл узатмаслик лозим. Ёши улуғларни ҳурмат қилиш динимиз талабидир. Мехмоннинг овқат келадиган томонга ҳадеб ўгирилавериши ҳам яхши эмас.

Аммо ўта тортинчоқлик, сертакаллуфлик, ўта камгаплик ҳам ярашмайди. Аввало инсон қайси жойда ўзини қандай тутишни ҳам уддалай билиши керак. Фақат ёлғиз бир киши ёки кам сонли кишилар чақирилган зиёфат бўлса, демак, бу – мезбоннинг чақирилган ўз мехмонларига алоҳида ҳурмат ва эҳтироми борлигидан далолат қилади. Бунда ҳадеб тортинавермасдан, мезбон билан яқиндан суҳбатлашиш мақсадга мувофиқ.

Мехмонлар олдига тортиладиган нарсалардан зиёфат давомида баҳраманд бўлиш жоиз. Дастурхон устидаги нарсаларни мезбон рухсатисиз уйга олиб кетиш мумкин эмас. Чунки дастурхонга қўйилган нарсаларнинг барчаси ҳам мехмоннинг мулки ҳисобланмайди. Ейилгандан ортгани уй эгасининг мулкида қолаверади.

Мехмондорчиликка бой ёки камбағал эканига қарамасдан бориш керак. Агар нафл рўза тутган киши мехмондорчиликка чақирилса, рўзасини маълум қилади, агар мезбон “бормасанг бўлмайди”, деб туриб олса, боради. Зиёфатга борганида овқатланмай ўти-

риши мезбон ва бошқаларга малол келмаса, овқат емагани маъқул, агар малоллик сезса, нафл рўзасини очиб, бошқа куни қазосини тутиб беради.

Меҳмонни ҳурмат қилиш ҳақидаги бошқа ҳадислар:

### **1. Меҳмонни ҳурмат қилиш.**

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Кимки Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, меҳмонини ҳурмат қилсин”**, дедилар (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

### **2. Меҳмондорчиликнинг муддати уч кундир.**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Меҳмондорчилик уч кундир. Ундан ошиғи унга садақадир”**, дедилар (*Имом Бухорий ривояти*).

### **3. Меҳмонларни очиқ юз ила кутиб олиш.**

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига Абдул Қайснинг элчилари келганда:

– **Марҳабо**, (эй Абдул Қайснинг) **вакиллари, афсус чекмаган ва ҳижолат қилмаган ҳолда марҳамат қилинглари**”, дея кутиб олдилар.

### **4. Меҳмонга ортиқча такаллуф қилмаслик.**

Имом Аҳмад “Муснад”ларида ушбу ҳадисни ривоят қиладилар: Салмон Форсий розияллоҳу анҳунинг уйларига бир киши келди. Унда бор сифатларни айтиб дуо қилдилар. Сўнг: “Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биримиз дўсти учун такаллуф қилишдан бизларни қайтармаганларида эди, сенга такаллуф қилган бўлар эдик”, дедилар.

۹۷ - مَنْ بَرَّ وَالِدَيْهِ طُوبَى لَهُ، زَادَ اللَّهُ فِي عُمْرِهِ. (رواه أبو يعلى والطبراني والحاكم)

97. «**Ота-онасига яхшилик қилиб** (уларнинг розилигини топишга ҳаракат қилган) **кишига яхшилик бўлсин, Аллоҳ умрини зиёда қилсин!**»  
Изоҳ: «Уларга «уф!..» дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!» Бунда фарзандаларга илоҳий одоб ва тавжихот ота-онанинг кексалик ҳолидаги руҳиятини риоя этиб, ҳисобга олиб, ота-оналари кексалик ёшига етганларида ўта зийрак, фатонатли, меҳрибон ва мулойим муомалада бўлишлари насихат қилиняпти.

Ота-она илгари сенга берганди, инфоқ қилганди, энди эса сенга эҳтиёжманд бўлиб қолишди. Илгари кучли, иш қилишга қодир эдилар, энди эса вақт ўтиб уйда ўтирадиган бўлиб ёки тўшакка михланиб, бетоб бўлиб ётиб қолдилар. Демак, бу фарзандни хушёрликка, меҳрибонликка ва одобли бўлишга чақирадиган вазиятдир. Токи ота-онанинг ҳис-туйғуларини жароҳатлаб қўймасин. Чунки бу ҳолат, бу кексалик ёши уларнинг ҳис-туйғулари ўткир ва нозик бўлган пайтдир.

«Уф» сўзи ўйламай, тафаккур қилмай, кўпинча сиқилиш, танглик, нотинчлик ва хавотирли ҳолатларда безътибор, ихтиёрсиз айтилиб юбориладиган сўздир. Аллоҳ таоло фарзандни ана шу ўйламасдан, беихтиёр чиқиб кетадиган сўзни айтишдан ҳам қайтариб, талаффуз этадиган ҳар бир сўзида зийрак бўлишга чақиряпти.

Шундан маълум бўладики, Аллоҳ таоло фарзандни беихтиёр ушбу сўзни айтишдан қайтардими, демак, ихтиёрий айтиладиган ҳар бир сўзига эътибор берсин. Эй фарзанд, сен доим мулойим, виқорли, ҳурматли, ҳаёли, одобли сўз топиб гапиргин!

۹۸ – إِنَّ الْمُؤْمِنَ لِلْمُؤْمِنِ كَالْبُنْيَانِ، يَشُدُّ بَعْضُهُ بَعْضًا وَشَبَّكَ أَصَابِعَهُ. (مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ)

98. «Мўмин билан мўмин бир-бирини тутиб турадиган деворлар кабидир», дея бармоқларини бир-бирига кириштирдилар».

**Изоҳ:** Бинодаги ёғоч ва ғиштлар бир-бирини қандай ушлаб турса, мўминлар ҳам бир-бирларини шундай қувватлашлари лозим.

۹۹ – الْمُسْلِمُونَ إِخْوَةٌ لَا فَضْلَ لِأَحَدٍ عَلَى أَحَدٍ إِلَّا بِالتَّقْوَى. (رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ)

99. «Мусулмонлар бир-бири билан оға-ини, биродардир. Бирининг биридан афзаллиги фақат тақво биландир».

**Изоҳ:** Аллоҳга тақво қилиш ундан қўрқишдир. Аллоҳдан қўрқиш эса, гуноҳ ишларни тарк этиш ва савоб ишларни кўплаб қилиш ила содир бўлади.

Ислом динини бир томонлама талқин қилувчиларда тақводорлик тўғрисида нотўғри тушунча шакланган. Аксарилар тақвони тарки дунё қилиш, қо-

ронғи хонага кириб олиб, зикру ибодат билан машғул бўлиш, деб тушунадилар.

Аслида, «тақво» сўзи «сақланмоқ», «эҳтиёт бўлмоқ» маъноларини англатади. У «виқоя» сўзидан олинган бўлиб, бир нарсани унга озор ва зарар берадиган нарсадан сақлашни англатади. Бинобарин, тақво ўзини қўрқинчли нарсадан сақлашдан иборат. Гоҳида «тақво» хавф маъносида ёки аксинча ҳам ишлатилади. Умар розияллоҳу анҳудан: «Тақво нима?» деб сўралганда, «Араблар сертикон майдондан ялангоёқ бўлиб, тикондан сақланиб ўтиб кетишни тақво деб атайдилар», деганлар.

Ҳаётда гуноҳ ишлар ҳам худди тиконларга ўхшайди. Ким улардан эҳтиёт бўлмаса, озор чекади, улардан сақланиб юрган киши эса тақво қилган бўлади. Оқибатда тақво инсон қалбидаги ҳолатга айланади. Бу ҳолат қалбни ҳассос қилиб, ҳар доим Аллоҳ таолонинг сезгиси билан яшайдиган қилиб қўяди.

۱۰۰ - اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ عَيْشَةً نَفِيَّةً، وَمَيِّتَةً سَوِيَّةً، وَمَرَدًّا غَيْرَ مُخْزٍ وَلَا فَاضِحٍ» (رواه الطبراني والبخاري)

100. «Аллоҳим! Мен Сендан покиза ҳаётни, роҳатли ўлимни, хор ва шарманда бўлмаган ҳолда (охиратга) қайтарилишни сўрайман».

**Изоҳ:** Бу ҳам набавий дуолардан бўлиб, мусулмон одам доим ўқиб юриши лозим.

۱۰۱ - اللَّهُمَّ اغْنِنِي بِالْعِلْمِ، وَزَيِّنِي بِالْحِلْمِ، وَأَكْرِمْنِي بِالتَّقْوَى،  
وَجَمِّلْنِي بِالْعَافِيَةِ. (رواه ابن التجار عن ابن عمر)

101. Ё Аллоҳ, менга илм ила ёрдам бериб, ҳалимлик билан зийнатлаб, тақво ила ҳурмат айлаб ва офият билан мени гўзаллаштир.

## МУНДАРИЖА

|  |    |
|--|----|
| Муқаддима .....  | 3  |
| <b>Биринчи боб.</b> Илмнинг фазилатига оид ҳадислар .....                    | 7  |
| <b>Иккинчи боб.</b> Касб ва тижоратга доир ҳадислар .....                    | 26 |
| <b>Учинчи боб.</b> Мақтовли ахлоққа доир ҳадислар .....                      | 44 |
| <b>Тўртинчи боб.</b> Ёмон хулқларга доир ҳадислар ..                         | 61 |
| <b>Бешинчи боб.</b> Чиройли муомала ва ўзаро дўст бўлишга оид ҳадислар ..... | 80 |



31000

*Диний-маърифий нашр*

# 101

## ҲАДИС

*Муҳаррир* Шариф ХОЛМУРОД

*Бадиий муҳаррир* Аббос АҲМАД

*Саҳифаловчи* Абу Абдуллоҳ АБДУЛҲАФИЗ

*Мусаҳҳиҳа* Дилором БОЙМИРЗАЕВА

Нашр. лиц. АИ № 290. 04. 11. 2016.

Босишга 2018 йил 18 июлда рухсат этилди. Бичими 60 x 90 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

PT Serif гарнитураси. Офсет босма. 6,0 шартли босма тобоқ.

3,4 нашр тобоғи. Адади 10000 нусха.

381-рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Ғафур Ғулом

номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

100128. Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz). e-mail: [info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)